





# Дўстлик
# ХАМСАСИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАРНИ
ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ
УЛУҒБЕК ЖАМҒАРМАСИ

# Дўстлик ХАМСАСИ

"TASVIR" НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ – 2019

УЎК 39(100)
КБК 82.3(0)

Дўстлик хамсаси / Тузувчилар: О.Салимов, Қ.Қуранбоев, А.Кадиров, М.Бекмуродов, Н.Мамадалиева, Н.Халилов, Л.Тангриев. – Тошкент, "TASVIR" нашриёти., 2019. – 228 б.

© О.Салимов ва бошкалар, 2019
© "TASVIR" нашриёти, 2019
© "KOLORPAK", 2019

ISBN 978-9943-5797-7-4

246942

*МАРКАЗИЙ ОСИЁДА КЎП АСРЛАР ДАВОМИДА ТУРЛИ МИЛЛАТ ВА ЭЛАТ, МАДАНИЯТ ВА ДИН ВАКИЛЛАРИ ТИНЧ-ТОТУВ ЯШАБ КЕЛГАН. МЕҲМОНДЎСТЛИК, ЭЗГУЛИК, ҚАЛБ САХОВАТИ ВА ТОМ МАЪНОДАГИ БАҒРИКЕНГЛИК БИЗНИНГ ХАЛҚИМИЗГА ДОИМО ХОС БЎЛГАН ВА УНИНГ МЕНТАЛИТЕТИ АСОСИНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ.*

Шавкат МИРЗИЁЕВ,<br>Ўзбекистон Республикаси Президенти

# СЎЗБОШИ

Азиз китобхон, сизга яхши маълумки, жаҳон тараққиётида ҳамиша муҳим ўрин тутиб келган, буюк карвон йўллари, турли цивилизациялар чорраҳасида жойлашган Марказий Осиё халқларининг ҳар бири ўзининг қадимий тарихи ва маданияти, бетакрор анъана ва қадриятлари билан алоҳида ажралиб туради.

Айни вақтда уларни бирлаштирадиган умумий бир хусусият борки, у, аввало, мард ва олижаноб халқларимизнинг азал-азалдан қон-қардошлик, яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик руҳида яшаб, қийинчилик ва муаммоларни биргаликда енгиб, қувонч ва шодлигини ўзаро баҳам кўриб, умумий келажакни яқин ҳамкорликда қуришга интилиб келаётганида яққол намоён бўлади.

Марказиё Осиёни бутун дунёга маълуму машҳур қилган буюк тарихий шаҳарлар, ислом оламининг фахру ифтихорига айланган азиз-авлиёлар, алломаю уламолар, шоир ва адиблар, донишманд зотлар, уларнинг ўлмас мероси бугунги кунда ҳам бутун минтақамиз бирлиги ва ҳамжиҳатлиги йўлида хизмат қилмоқда. Биз – ушбу минтақа халқлари фарзандлари ана шундай бебаҳо бойликнинг умумий ворислари эканимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Бизнинг халқларимиз асрлар давомида ўзаро елкадош бўлиб, бир-биридан ўрганиб, шундай беназир бойликларни биргаликда яратганлари ва шу тарика "Шарқ уйғониш даври" деб аталган ноёб ҳодисанинг юксак даражага кўтарилишига беқиёс ҳисса қўшганлари ҳақиқатан ҳам таҳсинга сазовордир.

Бугун ҳам бу табаррук заминда яшаб, унинг истиқболи йўлида биргаликда ҳаракат қилаётган ўзбек, қозоқ, туркман, қирғиз ва тожик халқларининг тарихий илдизларини улкан маънавий чинорнинг бақувват томирларига қиёслаш мумкин. Бу азим чинорнинг умри безавол, абадиятга дахлдор бўлиши, мангуликка уйғунлашиб кетиши йўлида хизмат қилиш – барчамизнинг эзгу мақсад-муддаомиздир.

Ҳаммамизга яхши маълумки, ҳозирги глобаллашув даврида дунё миқёсида кечаётган шиддатли ўзгаришлар, инсоният ҳаёти ва келажагига таҳдид солаётган хавф-хатарлар Марказий Осиё минтақаси давлат лари олдига ҳам янги ва ўта долзарб вазифаларни қўймоқда, уларни бирлик ва ҳамжиҳатликда ҳал қилишга ундамоқда.

Ана шундай мураккаб шароитда минтақамизда яхши қўшничилик, ўзаро аҳиллик ва ҳамкорлик руҳи кучайиб бораётгани, дўсту биродар халқларимиз янада яқинлашаётгани айниқса эътиборлидир. Жаҳон сиёсатшунослари тилида "Марказий Осиё руҳи", "Марказий Осиё ҳамкорлиги" деган иборалар пайдо бўлгани, дунё ҳамжамиятининг минтақамизга бўлган қизиқиш ва эътибори тобора ортиб бораётгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Ҳеч шубҳасиз, ана шундай масъулиятли даврда биз минтақамизнинг умумий ва муштарак тарихи ва тараққиёт йўлига, бизларни янада яқин қиладиган қадриятларга янада кўпроқ мурожаат қилиб, униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизни шу руҳда тарбиялашга алоҳида эътибор қаратамиз.

Бу борада, айниқса, ҳар бир халқ донишмандлигининг амалий ифодаси бўлган мақоллар ва ҳикматли сўзларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Халқларимизнинг турмуш ва тафаккур тарзи, маънавий-руҳий олами ўзаро нақадар яқин ва муштарак экани айнан кўҳна мақолларда, донишманд аждодларимизнинг ҳикматли сўзларида аниқ-равшан акс этиб келади.

Бугунги нотинч ва долғали асрда уларга қайта-қайта мурожаат қилар эканмиз, ягона тақдир билан боғланган Марказий Осиё халқларининг келажаги фақат ва фақат яхши қўшничилик, дўстлик ва самарали ҳамкорликда эканига, бизнинг халқларимиз, аждодларимиз айнан ана шундай ҳаётни орзу қилганларига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз.

Шунинг учун бизнинг мамлакатимизда нафақат ўзбек халқ мақоллари ва ҳикматли сўзларини, айни вақтда бизга яқин қўшни ва биродар халқларнинг тафаккур хазинасини безаб келаётган афоризмларни тўплаш ва нашр этишга ҳам катта эътибор берилмоқда.

Қадрли ўқувчи, қўлингиздаги мазкур тўпламда шу борада олиб борилган кўп йиллик изланиш ва ҳаракатларнинг амалий натижаси сифатида Марказий Осиё халқлари, жумладан, ўзбек, қозоқ, туркман,

қирғиз ва тожик халқларининг буюк мутафаккирлари – Алишер Навоий, Абай Қўнонбоев, Чингиз Айтматов, Абдураҳмон Жомий, Махтумкулининг таржимаи ҳоли, ҳаёт ва ижод йўли ҳақида маълумотлар, ушбу халқларнинг мақоллари, ҳикматли сўзлари биринчи марта икки тилда – аслиятда ва ўзбек тилида нашр этилмоқда.

Ушбу муаззам мажмуанинг "Дўстлик хамсаси" деб номланишида ҳам чуқур маъно бор, албатта.

Маълумки, Марказий Осиё халқларининг умумий илдизга эга бўлган мумтоз адабиётларида беш достондан иборат китоб – "Хамса" яратиш анъанаси мавжуд бўлган. Бугун жаҳон майдонида бешта улуғ тоғдек юксалиб турган Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон ва Тожикистон давлатларини ҳам халқларимизнинг бунёдкорлик даҳоси билан яратилган беш достонга қиёслаш мумкин. Ўзаро аҳиллик, иноқлик ва ҳамкорлик асосида бу достонлар ноёб ва бетакрор бешликни – дўстлик хамсасини ташкил этиб келаётгани, ҳақиқатан ҳам, бизнинг энг катта ютуғимиз, бойлигимиздир.

Тилагимиз – бу хамса, бу дўстлик таронаси абадий бўлсин!

Ишончимиз комилки, ана шундай улуғ ғояни ўзида мужассам этган ушбу тўплам Марказий Осиё халқларининг азалий ва абадий дўстлиги, маънавий-руҳий яқинлиги ва муштараклигининг рамзи сифатида минтақамиз мамлакатлари ўртасида аҳиллик ва ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилади.




Ўзбек халқ
донишмандлиги

# АЛИШЕР НАВОИЙ

(1441-1501)

Буюк мутафаккир шоир, олим ва давлат арбоби, ўзбек адабий тилининг асосчиси Алишер Навоий 1441 йил 9 февралда Ҳиротда дунёга келди. Алишер 3–4 ёшлариданоқ Қосим Анворнинг ғазалларидан ёд олади. Мактабда Шайх Саъдийнинг "Гулистон" ва "Бўстон" асарларини, Фаридиддин Атторнинг "Мантиқ ут-тайр" достонини катта меҳр билан ўқийди. Алишер 7–8 ёшларидан бошлаб шеърлар ёза бошлайди ва 15 ёшида шоир сифатида танилади.

Навоий Ҳиротда, кейинчалик Машҳадда улуғ устозлардан таълим олади. 1467-1469 йилларда Самарқандда Хожа Фазлуллоҳ Абуллайс мадрасасида диний-дунёвий илмларни ўрганади.

1469 йили Ҳирот тахтини Ҳусайн Бойқаро эгаллайди ва махсус хат йўллаб, Алишерни Ҳиротга чақириб олади. Навоий саройда 1469–1471 йилларда муҳрдор, 1472–1481 йилларда бош вазир, 1487–88 йилларда Астробод ҳокими лавозимларида ишлайди. Алишер Навоий умрининг сўнгги дамларигача дўсти Ҳусайн Бойқарога яқин маслаҳатчи, вафодор дўст сифатида темурийлар давлатини мустаҳкамлаш, илм-фан ва маданиятни ривожлантириш ҳамда мамлакат миқёсида кўплаб бино ва иншоотларни барпо этишда сидқидилдан хизмат қилди.

Манбаларда Алишер Навоий томонидан кўплаб масжид ва мадрасалар, шифохоналар бунёд этилгани ҳақида маълумотлар мавжуд. Уларнинг энг машҳурлари сифатида Ҳиротда барпо этилган “Шифоия” тиббиёт олий мадрасаси, “Низомия” ислом қонунчилиги олий мадрасаси, ижтимоий фанларга ихтисослашган “Ихлосия” олий мадрасаси, шунингдек, Марвдаги “Хусравия” диний-дунёвий илмлар олий таълим муассасасини кўрсатиш мумкин. Улуғ шоир ва давлат арбоби мингдан зиёд иншоотлар, жумладан, кўплаб работлар, мусофирлар ва муҳтожлар учун емакхоналар ҳамда талабалар учун “Дор ул-ҳуффоз” ва “Халосия” каби қироатхона ҳамда ётоқхоналар, улуғ тарихий шахсларнинг қабрлари узра мақбаралар бунёд эттирган.

Буюк мутафаккир 1501 йил 3 январь куни Ҳиротда вафот этади.

Мумтоз шоирдан жуда улкан адабий-илмий мерос қолди. Навоийнинг тўққизта шеърий девони мавжуд бўлиб, шулардан иккитаси замондош мухлислари томонидан тузилган. Чунончи, “Илк девон”, “Оққуюнли мухлислар девони”, “Бадоеъ ул-бидоя” (биринчи расмий девон), “Наводир ун-ниҳоя”, “Хазойин ул-маоний” (“Ғаройиб ус-сиғар”, “Наводир уш-шабоб”, “Бадоеъ ул-васат”, “Фавойид ул-кибар”), “Девони Фоний” шулар жумласидандир.

Ҳеч шубҳасиз, Навоийнинг буюк мутафаккир зот сифатидаги фазилатларини яққол ифода этадиган асосий асари беш достондан иборат “Хамса”дир. Ушбу муаззам мажмуада комил инсон, ижтимоий адолат, диний бағрикенглик ғоялари, шарқона ахлоқ ва донишмандлик каби эзгу фазилатлар ва фалсафий ғоялар тараннум этилган. “Хамса” асари “Ҳайрат ул-аброр”, “Фарҳод ва Ширин”,

"Лайли ва Мажнун", "Сабъаи сайёр", "Садди Искандарий" каби достонларни ўз ичига олади.

Бундан ташқари, Навоий "Лисон ут-тайр", "Тарихи анбиё ва ҳукамо", "Тарихи мулуки Ажам", "Вақфия", "Маҳбуб ул-қулуб", "Муҳокамат ул-луғатайн", "Арбаин", "Сирож ул-муслимин", "Назм ул-жавоҳир", "Муножот" каби турли мавзу ва жанрларда асарлар битган.

Ўзбек халқи Алишер Навоийнинг бутун туркий халқлар адабиёти ва маданияти ривожи йўлидаги улкан хизматларини муносиб қадрлайди ва ўзининг улуғ мутафаккир шоири билан ҳақли равишда фахрланади.

Ўзбекистон мустақилликка эришган 1991 йил юртимизда Алишер Навоий йили деб эълон қилинди. Шоир номидаги Ўзбекистон Миллий боғи барпо этилди ва унинг ҳудудида буюк аждодимизнинг муҳташам ҳайкали ўрнатилди. Навоийнинг барча асарлари бир неча бор тўлиқ ҳолда чоп этилди. Унинг асарлари жаҳоннинг ўн тўрт тилига таржима қилинган.

Бугунги кунда Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Ўзбекистон давлат академик катта театри, алоҳида вилоят ва шаҳар, шунингдек, кўплаб хиёбон ва майдонлар, кўчалар, таълим масканлари, маҳаллалар Алишер Навоий номи билан аталади.

Алишер Навоийнинг жаҳон адабиётига қўшган муносиб ҳиссаси бутун дунёда эътироф этилган. Япония (Токио), Россия (Москва), Озарбойжон (Баку), Хитой (Шанхай), Беларусь (Минск), Тожикистон (Душанбе), Қирғиз Республикаси (Ўш) каби хорижий давлатларда ҳам Навоий бобомиз хотирасига ҳайкаллар ўрнатилган. Ҳар йили 9 февралда ушбу ёдгорликлар пойида шоирнинг таваллуд куни адабиёт байрами сифатида кенг нишонланади.

# ЎЗБЕК ХАЛҚ ҲИКМАТЛАРИ

Айрилмагин элингдан,
Қувват кетар белингдан.

Айтилган сўз – отилган ўқ.

Ақлли фарзанд "етти ўлчаб, бир кесиш" йўлини тутади.

Ақл – ёшдан,
Одоб – бошдан.

Аҳмоқона қайсарлик ҳеч кимга фойда келтирмаган.

Ақл – хазина, тил – калит.

Ари заҳрин чекмаган бол қадрини билмас.

Аҳди борнинг бахти бор.

Ақлли ўзидан кўрар,
Ақлсиз – ўзгадан.

Барча нарсанинг исрофи ёмон, бироқ улар ичида энг ёмони умрнинг исрофидир.

Бугунги меҳнат – эртанинг осойишталиги.

Билим – қайтариш ва такрорлаш меваси.

Билим билан ҳатто кўкка ҳам йўл топса бўлади.

Бир кун туз ичган жойга қирқ кун салом бер.

Бировга ёмонлик тилагунча, ўзингга омонлик тила.

Билим бахт келтирар.
Билаги зўр бирни йиқар, билими зўр – мингни.

Билмаганни сўраб ўрганган – олим,
Орланиб сўрамаган ўзига золим.
*Алишер Навоий*

Билим ва ҳунар инсоннинг
доимий ҳамроҳидир.

Бола – азиз, одоби – ундан азиз.

Берганида шукр қил,
Олганида сабр қил.

Бош бўлмаган оила тўзғийди.

Бошни фидо айла ато қошиға,
Жисмни қил садқа ано бошиға.
*Алишер Навоий*

Бахт белгиси илм ва ақлдир.

Балиқ сув билан тирик,
Одам – эл билан.

Булбул чаманни севар,
Одам – Ватанни.

Бекор ўтиргунча, бекор ишла.

Бекорчининг ҳунари – ғийбат.

Бемаза қовуннинг уруғи кўп.

Бир қўллаб эксанг,
Икки қўллаб ўрасан.

Бирни биров беради,
Кўпни – меҳнат.

Бўйнидан боғланган ит овга ярамас.

Бўлса ҳамки қўриқ ер,
Ҳосил берар, тўксанг тер.

Бой бўлишни истасанг, қаноатли бўл.

Босиқлик ҳам донолик аломати.

Бир киши ариқ қазир,
Минг киши сув ичар.

Бахтли эканлигингни бахтсиз
бўлганингда биласан.

Билмаганни билдим дема,
Қилмаганни қилдим дема.

Бахт қадрига етмаганни ташлаб кетади.

Вақтсиз одамни синаб бўлмайди.

Вақтдан ортда қолмаслик – давр талаби.



Namangan davlat universiteti
inv. №24692/2
Axborot-resurs markazi

Вақт қуёши ҳар қандай метинни ҳам
эритиб ташлай олади.

Вақт ортга қайтмайди, ҳар дақиқа ғанимат.

Вафосизда ҳаё йўқ, ҳаёсизда вафо йўқ.
*Алишер Навоий*

Ватани борнинг бахти бор,
Меҳнати борнинг – тахти.

Ватанинг тинч – сен тинч.

Ватанни сотган эр бўлмас.

Гап билан ош пишмас.

Гап билгунча, иш бил.

Гапни оз сўзла,
Ишни кўп кўзла.

Гар қилса ситам киши кишиға,
Гўё ситам айламиш ўзиға.

Давлат учун кўнгулни зор этма,
Иззат учун ўзунгни хор этма.
*Бобур*

Доно вақтини қизғанади, нодон нақдини.

Деҳқон экинининг ёнига орзу ҳам қўшиб экади.

Дарахтдан мева оламан десанг,
Ниҳоллигидан парвариш қил.

Душманга нафрати бўлмаганнинг
Ватанга муҳаббати бўлмас.

Дангасага иш буюрсанг,
Отангдан ортиқ насиҳат қилар.

Дангасанинг ғайрати иш битганда қўзир.

Дарахт – япроғи билан кўркам,
Одам – меҳнати билан.

Дўстинг учун заҳар ют.

Дўстлар дилини ранжитиш душманни муродига етказишдир.

Дўстлик уйини одоб ёритади.

Доно ўйлаб гапирар,
Нодон – ўйнаб.

Ер – она, сув – ота,
Меҳнат – бойлик.

Ер очганнинг бахти очилар.

Ер қазимасанг, олтин чиқмас,
Қармоқ солмасанг – балиқ.

Эй биродар мунофиққа бўлма улфат,
Ким улфатдур боши узра юз минг кулфат.
*Аҳмад Яссавий*

Ёшликдан ўргансанг ҳунар,
Ҳаёт айтганингга кўнар.

Ёмон тарбия учун, аввало, ота-она айбдор.

Ёмгир билан ер кўкарар,
Меҳнат билан – эл.

Ётиб еганга тоғ чидамас.

Ёмонга ёндашма,
Яхшидан адашма.

Ёмоннинг яхшиси бўлгунча,
Яхшининг ёмони бўл.

Жисмоний меҳнат – саломатлик манбаи.

Жон куйдирмасанг, жонона қайда,
Тоққа чиқмасанг, дўлона қайда.

Зар қадрини заргар билар.

Интилганга толе ёр.

Илмни меҳнатсиз эгаллаб бўлмас.

Инсониятни вояга етказган – меҳнат.

Иззатини билмаган хор бўлар.

Илм олишнинг эрта-кечи йўқ.

Инсоннинг кийимига қарама,
билимига қара.
*Маҳмуд аз-Замахшарий*

Инсон – одоби билан,
Осмон – офтоби билан.

Иш куролинг соз бўлса,
Машаккатинг оз бўлар.

Иши йўқ итини суғорар.

Ишлаган ерни яшнатар,
Ишламаган – қақшатар.

Ишнинг кўзини бил,
Эрнинг – тилини.

Иқболни меҳнат очар.

Ишончини йўқотган ҳамма нарсасини йўқотади.

Инсоннинг ожиз табиати уни минг бир балоларга гирифтор этади.

Инсоннинг улуглиги ҳам,
хорлиги ҳам тарбиядан.

Йилларни самарасиз совурган киши
дақиқага зор бўлур.

Йўлинг билиб, йўлдош қил,
Тенгинг билиб, тенгдош қил.

Йигит деган эр бўлар,
Меҳнат кўрса, шер бўлар.

Кўрдимки, вақтини "эсиз", "қанийди", "кошки"лар
билан ўтказган кишининг умри энг қисқа экан.

Кўчатни ўтқазмасанг кўкармас,
Мақсадни истамасанг топилмас.

Катта қалб эгасигина икир-чикирлардан
юқори туради.

Китоб – ўтмишдан ҳам, келажакдан ҳам
хабар берувчи.

Китоб – инсондан ҳеч нарса тиламайди,
аммо уни камолга етказади.

Кўрдимки, энг яхши дўст илм экан.

Касбни нафс эмас, қалб танлаши керак.

Камтарга – камол, манманга – завол.

Кўп сўзлаб киши доно бўлмайди,
Кўп эшитиб, доно барчага бош бўлади.
*Юсуф Хос Ҳожиб*

Кўп касалликларнинг илдизи – еб-ичишда.

Кўпнинг дуоси яшнатар,
Кўпнинг қарғиши қақшатар.

Кўклам – меҳнат билан кўркам.

Курашда йиқитганлар кучли эмас,
ғазаби келганда ўзини боса олганлар кучлидир.

Киши икки нарса туфайли қаримайди,
Бири – эзгу хулқи, бири – эзгу сўзи.
*Юсуф Хос Ҳожиб*

Камтар етар муродга,
Манман қолар уятга.

Кечира олишлик – мардлик, кечира
билмаслик – номардлик саналади.

Мард – курашда, дўст – ташвишда,
доно – ғазабда синалар.

Машаққатсиз бахт келмас,
Меҳнатсиз тахт келмас.

Мева фақат дарахтнигина эмас,
балки вақтнинг ҳам ҳосилидир.

Меҳнатидан элни баҳраманд
қилган одам – қадр топади.
Меҳнат бахт келтирар.

Меҳнатсиз роҳат бўлмас,
Савобсиз – жаннат.

Меҳнат билан ер кўкарар,
Дуо билан – эл.

Меҳнат, меҳнатнинг таги – роҳат.

Меҳр дарахтида оқибат меваси етилади.

Миришкорнинг қўли ўз-ўзидан ишлайди.

Муттасил бадантарбия билан шуғулланган
киши табибга муҳтож бўлмайди.

Минг бир йўлга кирган киши аросатда қолиб кетади.

Ношукур ўзининг умрини ўзи қисқартиради.

Обрў топаман, десанг, камтар бўл.

Одоб боши – тил.

Одамлар вақтга қарайди, вақт эса ҳеч кимга.

Одамлар сендан ўрганмаса, сен одамлардан ўрган.

Ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ.

Олтин олма, билим ол,
Билим олсанг, билиб ол.

Оз-оз ўрганиб доно бўлур,
Қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур.
*Алишер Навоий*

Одамга бойлик ва амал бериб синаб кўр.

Ота-онаси йўқни эмас, одоб
ахлоқи йўқни етим де.

Одоб – олтиндан қиммат.

Одоб бозорда сотилмас.

Одобли бола элга манзур.

Ота ғайратли бўлса,
Бола ибратли бўлади.

Олимларга яқинлаш, баҳра олгил, тутиб дил.
*Юсуф Хос Ҳожиб*

Она юртинг – олтин бешигинг.

Она юртинг омон бўлса,
Ранги-рўйинг сомон бўлмас.

Одамнинг кўли – гул.

Оз есанг, кўп яшайсан,
Меҳнат қилсанг, кўп ошайсан.

Олай десанг мўл ҳосил,
Меҳр қўйиб меҳнат қил.

Олтин ўтда билинар,
Одам – меҳнатда.

Олтмишингда олма эксанг,
Етмишингда емишин ерсан.

Оғзига келганни демак – нодоннинг иши,
Олдиға келганни емак – ҳайвоннинг иши.
*Алишер Навоий*

Ой нури тунни ёритар,
Одам ақли – ҳаётни.

Одам борки, одамларнинг нақшидур,
Одам борки, ҳайвон ундан яхшидур.
*Алишер Навоий*

Одамий эрсанг, демагил одами,
Оникимки, йўқ халқ ғамидин ғами.

*Алишер Навоий*

Суянган деворингнинг тагини кавлама.

Сўз – кишининг ўзаги,
Одоб – кишининг безаги.

Соғлом ва доно фарзанд
Ота-она дилига пайванд.

Сиҳат тиласанг, оз е,
Иззат тиласанг, оз де.

Совуқ муносабат – огоҳлик қўнғироғи.

Сувни берсанг элга,
Яшарсан минг йилга.

Сабр билан иш битар, шошқалоқлик
бошга етар.

Сўзни кўнгулда пиширмагунча тилга келтирма,
Ва ҳар неки кўнгулда бор – тилга сурма.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Табиатга бир саховат қилинса, юз бўлиб қайтади.

Тўрт нарса саодат далилидир: тўғри сўз, камтарлик, ҳалол касб-ҳунар, сир сақлаш.

Тилингда бўлса болинг,
Кулиб турар иқболинг.

Тинчлик, омонликда отган ҳар бир тонг Аллоҳнинг бизларга хушхабаридир.

Тинчлик ва соғлиқ қадрини қалби нотинч, тани бемордан сўра.

Тил билан етказилган жароҳат қилич билан етказилган жароҳатдан огирроқдир.

*Маҳмуд аз-Замахшарий*

Урса ҳам, эл яхши,
Сўкса ҳам, эл яхши.

Феълнинг кенглиги – ризқнинг мўллиги.

Худо икки тоифа инсонни яратган:
биридан ибрат олиш учун,
иккинчисига ўхшамаслик учун.

Ширин сўз одамларнинг қалбини
боғловчи занжирдир.

Эл бор бўлса, эр хор бўлмас,
Эр бор бўлса, эл хор бўлмас.

Эл бошига кун тушса,
Эл яратган эр келар.

Эл эгасиз бўлмас, тун – ёқасиз.

Эл ғамини билган элда достон.

Элга манзур – эрга манзур.

Элга қўшилсанг, эр бўласан,
Элдан ажралсанг, ер бўласан.

Элда бори – сенда бори.

Эр йигит элга тортар.

Юз йил яшасанг, юз йил ўрган.

Юрт эгаси йўлбарсдир,
Олдиргани қўймасдир.

Яширилган сирни вақт очади.

Яхшилик йўлида чекилган меҳнат ерда қолмайди.

Яхши билсанг ишингни,
Яхшилар силар бошингни.

Яхши ошини ер,
Ёмон – бошини.

Яхшилар билан ҳамсуҳбат бўлиш ва донолар билан мулоқот қилиш саодатга элтади.

Яхши йигит юрт тузар,
Ёмон йигит юрт бузар.

Яхши либос – танга оройиш,
Яхши йўлдош – жонга осойиш.

Яхши сўз – жон озиғи.

Яхши гап билан илон инидан чиқар,
Ёмон гап билан пичоқ қинидан чиқар.

Ўзига ишонмаган ҳеч кимга ишонмайди.

Ўзингни мажбурламасанг, ҳеч нарсага эришмайсан.

Ўзюкини ўзи кўтармай,
бошқаларга ташлаб қўйган киши
охири хор бўлади.

Ўқишдан тўхтаган ўсишдан тўхтайди.

Ўқиган – олим,
Ўқимаган – ўзига золим.

Ўрганиш бир ҳунар,
Ўргатиш – икки ҳунар.

Ўзни доно англаган нодондан қоч.

Ўзига ҳисоб бермаган ўзгага азоб беради.

Ўз уйим – ўлан тўшагим.

Ўз юртингнинг қадри
Ўзга юртда билинар.

Ўзга юртнинг қозиси бўлгандан,
Ўз элингнинг тозиси бўл.

Ўзи тўғрининг – сўзи тўғри.

Қўлинг – меҳнатда, дилинг – Аллоҳда бўлсин.

Қуш уясида кўрганини қилади.

Қўли очиқнинг йўли очиқ.

Қизнинг кўрки – ноз,
Йигитнинг кўрки – ҳунар.

Қунт билан ўрган ҳунар,
Ҳунардан ризқинг унар.

Қазийберсанг, тоғ ҳам қулар.

Қарасанг – боғман,
Қарамасанг – доғман.

Қарасанг, қанд ерсан,
Қарамасанг, панд ерсан.

Қимирлаган қир ошар,
Тиғизлаган тоғ ошар.

Қуш қаноти билан тирик.
Одам – меҳнати билан.

Қуёш нурларини бекитиб бўлмаганидек,
ҳақиқатнинг чироғини ҳам сўндириб бўлмайди.

Ғайрат узоқ йўлни яқинлаштиради.

Ҳар бир баландлик пастдан бошланади.

Ҳаёт аслида мураккаб эмас, уни одамлар
мураккаблаштиради.

Ҳурмат қилсанг, ҳурмат кўрасан,
Меҳнат қилсанг, даврон сурасан.

Ҳаёт ташвишларини фақат меҳнат билан енгиш мумкин.

Ҳақиқий риёзат йўли, бу – оилавий ҳаёт.

Ҳунарга эга бўлиш – конга эга бўлиш.

Ҳунарманднинг нони – бутун.

Ҳунари йўқ кишининг,
Мазаси йўқ ишининг.

Ҳар ким ўзининг табиби бўлиши керак.

Ҳақ йўлинда ким сенга бир ҳарф ўқутмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин адо юз ганж ила.
*Алишер Навоий*

Ҳар гулнинг ўз иси бор,
Ҳар элнинг ўз туси бор.

Ҳар кунги ваъдабозликдан,
Бир кунги жонбозлик яхши.

Ҳаракатинг – соғлигинг,
Меҳнатинг – бойлигинг.

Ҳиммат – элнинг таянчи,
Меҳнат – роҳат қувончи.

Ҳунарманд одам – элга ҳамдам.

Ҳар кимки сўзи ёлғон, ёлғони зоҳир бўлғоч уёлғон.
*Алишер Навоий*

Инсофи борнинг барокати бор.

Ҳаёт қонунларини табиат ўргатади.

Ҳар кимки вафо қилса вафо топқусидур,
Ҳар кимки жафо қилса, жафо топқусидур.
Яхши киши кўрмагай ёмонлик ҳаргиз,
Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидур.

*Заҳириддин Муҳаммад Бобур*

Қўрқиб – айтма,
Айтдингми – қўрқма.



# Қозоқ халқ ДОНИШМАНДЛИГИ

# АБАЙ (ИБРАҺИМ) ҚҰНАНБАЕВ

(1845-1904)

Абай(Ибраһим) Құнанбаев 1845 жылдың 10 тамызында қазіргі Шығыс Қазақстан облысына қарасты Шыңғыстау баурайында жайласқан Абай ауданындағы Қасқабұлақ өңірінде дүниеге келген. Оның шын есімі Ибраһим болып, жастайынан сүйікті анасы Ұлжан оны еркелетіп, Абай деп атаған. Абай сөзі қазақ тілінде “абайла”, “абай бол” деген мағынаны білдіреді. Демек, анасы оны балағынан абай бол, абайла деп, кейін бұл “абайла” “абайға” айналып оның нағыз есімі Абай деп аталып кетеді.

Абайдың арғы атасы Ырғызбай, одан Өскенбай, Абайдың әкесі Құнанбай туылған. Қарқаралы округінің аға сұлтаны болған Құнанбай Өскенбаев патша өкіметіне арқа сүйенген ірі феодал еді. Ол өте қатал және талапшаң, дұшпандарына болса қатыгез болған. Абайдың жастық шағы қатал әкесінің тәрбиесінде өтеді. Анасы Ұлжан болса, ақылды, мейірімді, жанға жайсаң дана әйел болған. Абайды еркелетіп, көп ертегілер айтып, болашақ ақынның халық ауыз әдебиетін үйренудегі алғашқы қадамын ашқан әжесі Зере (Құнанбайдың анасы) көпті көрген, мейір-шапағатты, халық арасында айрықша құрметке бөленген әйел еді.

Бұл екі данышпан ана Абайдың халық тарапына өтіп халық үшін еңбек етуде оған өте жақсы ықпал жасаған.

Абайды 8 жасында әкесі “Ескі там” ауылында өзі ашқан медресеге алып барып, Ғабитхан атты молдаға оқуға береді. Молданың берген білімінен баласы да жалшымаған, өзі де қанағаттанбаған Құнанбай Абайды 10 жасында Семей қаласындағы Ахмет Риза медресесіне алып барады. Құнанбайдың мақсаты зерек Абайға мұсылманша толық білім беріп, оны өзінің ел басқару жұмысындағы көмекшісі, ал содан соң оған өз билігін беріп орнында қалдыру еді. Бірақ Абайды медреседегі діни білімдер қанағаттандырмады. Ол өз бетінше оқумен шұғылдана бастады. Араб, парсы, өзбек (шағатай) тілдерін үйренуге кірісті.

Абай медреседе оқып жүрген кезінде қала тұрмысы мен мәдениетіне қызығып барады. Ол сол жерде нағыз қазақ мәдениетін жарату үшін озат орыс мәдениеті мен білімін үйрену қажеттігін түсінеді. Бұл үшін алдымен орыс тілін білу керек деген қорытындыға келеді. Сол мақсатпен Абай медреседе оқумен бірге бір уақыттың өзінде әкесінің рұқсатынсыз орысша “Приходская школағада” қосымша түсіп, орысша сауатын аша бастайды. Абай ол жерде 3-4 ай ішінде бір жылдық оқу бағдарламасын иелеуге әрекет жасайды. Ол қаладағы орыс кітапханасынан кітаптар алып, оқи бастайды. Сондай-ақ бұл жерде көптеген орыс зиялыларымен танысады. Олар жас Абайдың орыс тілін тез үйреніп, еркін меңгеруіне көмектеседі.

Абайды 13 жасында атасы қаладан шақыртып ала-

ды. Құнанбай Абайдың өзге балаларынан ерекше зеректігін ерте сезіп, оны әрі қарай оқытпай кайтарып алып, ел ісіне араласуға баулиды. Сөйтіп 13 жастағы Абай әке ықпалымен әкімшілік-билік жұмыстарына араласады. Ол әке қасында болған жылдарда қазақ даласындағы әлеуметтік өмір қайшылықтарын жан-жақты тани түседі.

Абай 1875 жылы Тобықты руына қарасты Коңыркөкше еліне болыс болып сайланады. Ол өзіне қарасты жерлердегі ұрлық, басқыншылық, өзара келіспеушіліктерге төзімді болуға, күнәкерлерге қатаң шаралар көруге әдеттенген. Әділет орнату арқылы ол ел ішінде тыныштық орнатуға әрекет жасады.

Абай 9 жасында "Кім екен деп келіп ем түйе куған" (1855-1857) алғашқы өлеңін шығарды. Шығыс шайырларына еліктеп 1885-1895 жылдар аралығында "Фузули, Шәмси, Сәйхали...", "Иүзи-раушан, көзі гауһар". өлеңдер жазды. Абайдың өнімді өлең жазған жылдары 1886, 1889 және 1895 жылдарға дұрыс келеді. Сондай-ақ 1890-1898 жылдарда оқу-ағартуға, мәдениеттілікке, адамгершілікке үндейтін 45 үлкенді-кішілі әңгімелерден тұратын "Қара сөздер" атты философиялық шығармалар жазады.

Абай небәрі 59 жыл ғұмыр кешкен болса да сол кыска және мазмұнды өмірінде қазақ жазба әдебиеті мен әдеби тіліне негіз салды. Ол туған халқын баска халықтардың мәдениетінен нәр алуға үндейді. Нәтижеде қазақ халқының ұлы ойшылы және агартушы ақыны ретінде Шығыс әдебиетінің сөнбес жұлдызы

қатарында ерекше орынға ие болды. Абайдың 175 тен астам өлеңдері, 3 дастаны, 60-қа жуық аудармалары мен шағын прозалық туындылары бар.

Абайдың "Ескендір", "Масғұт", "Әзім әңгімесі" дастандары, "Көктем", "Жаз", "Күз", "Қыс", "Бүркітші", "Жігіттер ойын арзан, күлкі қымбат", "Жүрегім менің қырық жамау" т.б. өлеңдері мен "Қара сөздер" (45 сөзден тұрады) философиялық топтамасы бар. Ол өзінің "Екінші сөзінде" өзбек халқының еңбексүйгіштігі жайлы "Енді қарап тұрсам, өзбектің екпеген егіні жоқ, шығармаған жемсісі жоқ, саудагерлерінің жүрмеген жері жоқ, қылмаған шеберлігі жоқ. Өзіменен өзі әуре болып, біріменен бірі ешбір шаһары жауласпайды" - деп, қазақ халқын өзбек халқымен дос болып, үлгі алуға үндейді. Тіпті Әлішер Науаиды өзінің ұлы ұстазы деп те білген.

Өзбекстан мен Қазақстанның мәңгілік достығының нығаюының нәтижесінде ұлы Абайға Ташкент қаласының орталығынан көше берілуі, ескерткіш орнатылуы, сондай-ақ, Өзбекстан Республикасы Президентінің 2018 жыл 13 наурыздағы "Ұлы қазақ ақыны және ағартушысы Абай Құнанбаевтың шығармашылығын оқып-үйрену және насихаттау жөніндегі" қабылдаған қаулысы екі бауырлас халықты асқан ризалыққа бөледі. Соның дәлелі іспетті Ташкент мемлекеттік педагогикалық университетінде "Абай және өзбек әдебиеті" тұрақты экспозициясының ашылуы екі туысқан халықтың бірлігін, ынтымағын және достығын нығайтуға қызмет етеді.

# АБАЙ (ИБРОҲИМ) ҚЎНОНБОЕВ

(1845-1904)

Абай (Иброҳим) Қўнонбоев 1845 йил 10 август куни ҳозирги Шарқий Қозоғистон вилоятининг Чингиз тоғи этакларида жойлашган Абай туманидаги Қашқабулоқ масканида таваллуд топган. Унинг асл исми Иброҳим бўлиб, ёшлигидан онаси Улжан уни эркалаб “Абай” деб атаган. Абай сўзи қозоқ тилида “эҳтиёт бўлмоқ”, “огоҳ бўлмоқ” деган маъноларни билдиради. Демак, онаси уни болалигидан эҳтиёт бўл, авайла (қозоқчасига абайла) деб чақирган, кейинчалик “абайла” “абай”га айланиб, унинг доимий исми бўлиб кетган.

Абайнинг бобоси Ирғизбой, ундан Ўскенбой, Абайнинг отаси Қўнанбой туғилган. Қарқарали округининг оға-султони бўлган Қўнонбой Ўскенбоев чор империясига ишонган йирик бойлардан эди. У қатъиятли ва жуда талабчан, душманларига нисбатан шафқатсиз бўлган. Абайнинг болалиги ана шу қаттиққўл отасининг тарбиясида ўтган. Онаси Улжан эса ақлли, меҳрибон, ширинсўз ва доно аёл бўлган. Абайга эртаклар айтиб бериш орқали бўлажак шоирнинг қалбида халқ оғзаки ижодига меҳр уйғотган бувиси Зере (Қўнонбойнинг онаси) кўпни кўрган, меҳр-оқибатли, халқ ўртасида алоҳида иззат-эътиборга эга аёл эди. Бу донишманд аёллар Абайнинг қалбида адолатпар-

варлик, илм-маърифатга муҳаббат туйғуларининг илдиз отишида муҳим ўрин тутганлар.

Абай 8 ёшга тўлганида отаси "Эски том" овулида ўзи очган мадрасага олиб бориб, Ғабитхон исмли муллага ўқишга беради. Унинг берган таълимидан боласи ҳам ёлчимаган, ўзи ҳам қаноатланмаган Қўнонбой Абайни 10 ёшида Семей шаҳридаги Аҳмад Ризо мадрасасига олиб боради. Қўнонбой зийрак Абайнинг эскича билим олиб, элни бошқариш ишида ўзига ёрдамчи бўлишини, кейинчалик ўрнини эгаллашини истар эди. Аммо Абайни мадрасадаги диний билимлар қониқтирмайди. У мустақил равишда замонавий илмларни ҳам ўргана бошлайди. Араб, форс, ўзбек тилларини ўрганишга киришади.

Абай мадрасада ўқиб юрган чоғида шаҳар турмуши ва маданияти билан қизиқади. У бу ерда қозоқ маданиятини янада ривожлантириш учун замонавий рус маданияти ва билимларини ўрганиш зарурлигини тушунади. Бунинг учун даставвал рус тилини билиш керак, деган хулоса келади. Шу мақсадда мадрасада ўқиш билан бирга, отасининг рухсатисиз русча "Приходная школа" мактабида ҳам ўқиб, русча саводини оширади. Абай бу ерда 3–4 ой ичида бир йиллик ўқув дастурини ўзлаштиришга ҳаракат қилади. У шаҳардаги кутубхонага аъзо бўлиб, бир қатор рус зиёлилари билан танишади. Улар эса ёш Абайнинг рус тилини тезроқ ўрганишига ёрдамлашадилар.

Абайни 13 ёшида отаси шаҳардан чақиртириб олади. Қўнонбой ўғли Абайни ёнига олиб, эл бошқаришни ўргатиш ва унга бирор мансабни олиб бериш ниятида эди. Абай отасининг раъйига қарши бормайди.

Абай қозоқ овулларидаги халқнинг турмуш шароити билан яқиндан танишар экан, аҳолининг ниҳоятда оғир шароитларда, ўта қийинчилик билан турмуш кечираётганини кўриб, ич-ичидан эзилади. Имкон қадар уларга ғамхўрлик қилишга интилади.

Абай 1875 йил Тўбикти уруғига қарашли Кўнғир-кўкча элига бўлис (ҳоким) этиб тайинланади. У ўзига қарашли жойларда ўғирлик, босқинчилик ва ўзаро низоларга барҳам беришга, гуноҳкорларга нисбатан қаттиқ чоралар кўришга интилади. У адолат ўрнатиш орқали элнинг тинч-тотув ва яхши ҳаёт кечиришини таминлашга ҳаракат қилади.

Абай 9 ёшидан шерлар ёза бошлаган. Бу даврда ёзган “Ким экан деб келган эдим туя қувиб” (1855–1857) мисраси билан бошланадиган шеъри ва Шарқ мумтоз шоирларидан илҳомланиб, 1885–1895 йиллар оралиғида битган бир неча (“Фузулий, Шамсий, Сайқалий...”, “Юзи равшан, кўзи-гавҳар...”) шеърлари халқ орасида машҳур бўлган. Абайнинг аксарият шеърлари асосан 1886, 1889 ҳамда 1895 йилларда ёзилган. Шунингдек, 1890-1898 йилларда халқни маърифатпарварлик ва инсонпарварликка ундовчи 45 та катта-кичик ҳикоялардан иборат “Нақлия сўзлар” (қора сўзлар) деган фалсафий-маърифий асар ёзади.

Абай бор-йўғи 59 йил умр кечирган бўлса-да, шу қисқа ва мазмунли ҳаёти давомида қозоқ ёзма адабиёти ва адабий тилига асос солди, она халқининг бошқа халқлар маданиятидан баҳраманд бўлиши учун йўл очиб берди. Инсонларни илм-маърифат, маданият ва эзгуликка даъват этди ҳамда қозоқ халқининг улуғ мутафаккир

ва маърифатпарвар шоири сифатида Шарқ адабиётининг сўнмас юлдузлари қаторидан муносиб ўрин эгаллади. 175 дан ортиқ шеърлар, 3 достон, 60 га яқин таржималар ва бир қатор насрий асарлар - Абай ижодий меросини ташкил этади.

Абайнинг "Искандар", "Масъуд", "Азим ҳангомаси" достонлари, "Баҳор", "Ёз" ,"Куз", "Қиш" "Бургутчи", "Йигитлар, ўйин арзон, кулгу қиммат", "Юрагим менинг қирқ ямоқ", ва "Наклия сўзлар" номли фалсафий-тарбиявий асарлари халқ орасида айниқса машҳурдир. У ўзининг "Иккинчи сўз"ида "Энди бундай ўйлаб кўрсам, ўзбеклар экмаган экин, улар олмаган ҳосил, савдогарлари бормаган ер, хуллас, уларнинг қўлидан келмаган иш йўқ экан. Улар бир-бири билан иноқ, шаҳар аҳли эса тотув ҳаёт кечиради", деб қозоқ халқини ўзбеклар билан дўст-биродар яшашга даъват этади. Абай Алишер Навоийни ўзига улуғ устоз деб билган.

Буюк маърифатпарвар шоир ва мутафаккир, халқлар дўстлигининг оташин куйчиси Абай Қўнонбоев асарларини ўзбек китобхони ҳам севиб ўқийди. Тошкент шаҳрининг марказий кўчаларидан бирига Абай номи берилгани ва унга атаб ҳайкал ўрнатилгани, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 мартдаги "Буюк қозоқ шоири ва мутафаккири Абай Қўнонбоев ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш тўғрисида"ги қарори қабул қилиниб, бу борада кўплаб ишлар амалга оширилгани, Тошкент давлат педагогика университетида "Абай ва ўзбек адабиёти" деб номланган доимий экспозиция ташкил этилгани икки қардош халқ ўртасидаги абадий дўстлик ва биродарликнинг амалдаги яна бир ифодаси бўлди.

# ҚАЗАҚ ХАЛҚЫНЫҢ НАҚЫЛ СӨЗДЕРІ
# ҚОЗОҚ ХАЛҚ ҲИКМАТЛАРИ

Адам адамға сүйенеді,
Ағаш тамырға сүйенеді.
*Одам одамга суянар,*
*Дарахт томирга суянар.*

Ага-іні тату болса, жылқы көп,
Абысындар тату болса, ас көп.
*Оға-ини тотув бўлса, от кўп,*
*Овсинлар тотув бўлса, ош кўп.*

Ағайынды жат біліп,
Жақынды қайдан табасың.
*Оға-инингни бегона билиб,*
*Яқинингни қайдан топасан.*

Адам ақылымен бай,
Жер берекесімен бай.
*Одам ақли билан бой,*
*Ер баракаси билан бой.*

**Адал дос бірін-бірі алдамайды.**
*Ҳақиқий дўст бир-бирини алдамайди.*

**Адасқанқа жұлдыз да айдай,**
**Қарны ашқа көже де майдай.**
*Адашганга юлдуз ҳам ойдек,*
*Қорни очга гўжа ҳам мойдек.*

**Аз сөйлеп, көп істе.**
*Оз сўйлаб, кўп ишла.*

**Аз сөйлер де, көп тыңдар,**
**Қас адамның баласы.**
*Оз сўзлар-да, кўп тинглар,*
*Асл инсон боласи.*

**Айыпсызға жаза жоқ,**
**Қаһарманға қаза жоқ.**
*Айбсизга жазо йўқ,*
*Қаҳрамонга қазо йўқ.*

**Айтылған сөз – атылған оқ,**
**Кетер, кейін қайрылмас.**
*Айтилган сўз – отилган ўқ,*
*Уни орқага қайтариб бўлмас.*

Айту – оңай,
Жасау – қиын
*Айтиш – осон,*
*Ясаш – қийин.*
Айыратын дос болса,
Қосатын жолдас бар.
*Айирадиган дўст бўлса,*
*Қўшадиган йўлдош бор.*

Ақыл азбайды,
Білім тозбайды.
*Ақл озаймас,*
*Билим тўзимас.*

Ақылсыз өмір – тот басқан темір.
*Ақлсиз умр – занглаган темир.*

Ақ бола ма, қара бола ма,
иттің аты ит.
*Оқ бўладими, қора бўладими,*
*итнинг номи ит.*

Ақылдыға жақын жүрсең, адаспайсың.
*Ақллига эргашсанг, адашмайсан.*

**Алдыңа ас қойдық,**
**Екі қолыңды бос қойдық.**
*Олдингга ош қўйдик,*
*Икки қўлингни бўш қўйдик.*

**Аман болса бұл басым,**
**Жәнe өсер бұл шашым.**
*Омон бўлса бу бошим,*
*Яна ўсар бу сочим.*

**Амандықта әр кім жолдас болады,**
**Ауыр күнде тастап кетеді.**
*Омонликда ҳар ким йўлдош бўлади,*
*Огир кунда ташлаб кетади.*

**Ананың көңілі – балада,**
**Баланың көңілі – далада.**
*Онанинг кўнгли – болада,*
*Боланинг кўнгли – далада.*

**Арзан болса, алушыдан адалдық кетеді,**
**Қымбат болса, сатушыдан адалдық кетеді.**
*Арзон бўлса, олувчидан инсоф кетади,*
*Қиммат бўлса, сотувчидан инсоф кетади.*

Арзанның сорпасы татымас.
*Арзоннинг шўрваси татимас.*

Артықша байлық аздырар,
Артықша күлгі тоздырар.
*Ортиқча бойлик оздирар,*
*Ортиқча кулги тўздирар.*

Ауру калса да, әдет қалмайды.
*Дард кетса ҳам одат кетмас.*

Ата-анаңды сыйласаң, көп жасайсың,
Сыйламасаң жан қинарсың.
*Ота-онангни сийласанг, кўп яшарсан,*
*Сийламасанг жон қийнарсан.*

Ат кадірін (аты) жоқ білмейді,
Ас қадірін (қарны) тоқ білмейді.
*От қадрини (оти) йўқ билмас,*
*Ош қадрини (қорни) тўқ билмас.*

Атасы жолдастың баласы да жолдас.
*Отаси биродарнинг боласи ҳам биродар.*

**Атаға қарап ұл өседі,**
**Анаға қарап қыз өседі.**
*Отага қараб ўгил ўсар,*
*Онага қараб қиз ўсар.*

**Атадан жақсы ұл туылса, елінің қамын жейді,**
**Жаман ұл туылса, елінің малын жейді.**
*Отадан яхши ўгил тугилса, элининг гамин ейди,*
*Ёмон ўгил тугилса, элининг молини ейди.*

**Ат – адамның қанаты,**
**Ас – адамның қуаты.**
*От – одамнинг қаноти,*
*Ош – одамнинг қуввати.*

**Асыл адам айнымас.**
*Асл инсон айнимас.*

**Асың болса, дос көп,**
**Атың болса, той көп.**
*Ошинг бўлса, дўст кўп,*
*Отинг бўлса, тўй кўп.*

**Ауру батпандап кіріп, мысқылдап шығады.**
*Дард ботмонлаб кириб, мисқоллаб чиқади.*

**Ажал айтпай келеді,**
**Қонақ күтпей келеді.**
*Ажал айтмай келади,*
*Меҳмон кутмай келади.*

**Аюдан қорыққан орманға бармайды.**
*Айиқдан қўрққан ўрмонга бормас.*

**Аузы күйген үрлеп ішеді.**
*Оғзи куйган пуфлаб ичади.*

**Әркім өз бойына қарап тон пішеді.**
*Ҳар ким ўз бўйига қараб тўн бичади.*

**Әйел сырын әйел біледі.**
*Аёл сирини аёл билади.*

**Әркімдікі өзіне,**
**Ай көрінер көзіне.**
*Ҳар кимники ўзига,*
*Ой кўринар кўзига.*

Әркім барын жейді,
Ұятсыз арын жейді.
*Ҳар ким борини ейди,*
*Уятсиз орини ейди.*

Әке қадірін әке болғанда білесің.
*Ота қадрини ота бўлганда биласан.*

Бар болса, көре алмайды,
Жоқ болса, бере алмайды
*Бор бўлса, кўра олмайди,*
*Йўқ бўлса, бера олмайди.*

Бес бармақтың біреуін тістесең бәрі ауырады.
*Беш бармоқнинг бирин тишласанг, бари огрийди.*

Бір күндік жолға шықсаң да,
Үш күндік азығыңды ал.
*Бир кунлик йўлга чиқсанг ҳам,*
*Уч кунлик озигингни ол.*

Бір күн жанжал болған үйден,
Қырық күн береке кетеді.
*Бир кун жанжал чиққан уйдан,*
*Қирқ кун барака кетади.*

**Бір кісі таққа мінсе,**
**Қырық кісі атқа мінеді.**
*Бир киши тахтга ўтирса,*
*Қирқ киши отга минади.*

**Байлық мұрат емес,**
**Жоқтық ұят емес.**
*Бойлик мурод эмас,*
*Йўқлик уят эмас.*

**Біреуге ор қазба, ор қазсаң шұқыр қазба,**
**өзің түсесің.**
*Бировга ўра қазима, ўра қазисанг чуқур қазима,*
*ўзинг тушасан.*

**Бас болу – оңай,**
**Басқару – қиын.**
*Бош бўлиш – осон,*
*Бошқариш – қийин.*

**Білген кісі ұрыны кедей дейді,**
**Білмеген кісі ұрыны батыр дейді.**
*Билган киши ўгрини "фақир" дейди,*
*Билмаган киши ўгрини "ботир" дейди.*

**Бір ай атыңды мақтама,**
**Бір жыл жасамай әйеліңді мақтама.**
*Бир ой отингни мақтама,*
*Бир йил яшамай аёлингни мақтама.*

**Бие көп болса, құлын көп болады.**
*Бия кўп бўлса, той кўп бўлади.*

**Бір теректі кессең,**
**Орнына он терек ек.**
*Бир дарахтни кессанг,*
*Ўрнига ўн дарахт эк.*

**Бұлақ болмаса,**
**Өзен болмайтын еді.**
*Булоқ бўлмаса,*
*Ўзан бўлмасди.*

**Бала күлкіге тоймайды,**
**Жалқау – ұйқыға.**
*Бола кулгуга тўймайди,*
*Ялқов – уйқуга.*
**Бала – жанның гүлі, көздің нұры.**
*Бола – жоннинг гули, кўзнинг нури.*

**Бесіксіз үйде береке жоқ.**
*Бешиксиз уйда барака йўқ.*

**Бақыт қашса да, туысқан қашпайды.**
*Бахт қочса ҳам тугишган қочмайди.*

**Байлық келсе, еңбексүйгіштік кетеді.**
*Бойлик келса, меҳнатсеварлик кетади.*

**Бай жылқы мінсе "Қайырлы болсын",**
**Кедей жылқы мінсе, "Қайдан алдың?".**
*Бой от минса, "Хайрли бўлсин",*
*Камбағал от минса, "Қаердан олдинг?"*

**Бай болып көргенім жоқ,**
**Кедей болып өлгенім жоқ.**
*Бой бўлиб кўрганим йўқ,*
*Камбағал бўлиб ўлганим йўқ.*

**Батыр өлсе, аты қалады,**
**Қорқақ өлсе, несі қалады?**
*Ботир ўлса, номи қолади,*
*Қўрқоқ ўлса, нимаси қолади?*

Білім – түпсіз терең көл,
Надандық – нұрсыз шөл.
*Илм – тубсиз теран кўл,*
*Нодонлик – нурсиз чўл.*

Бала, баланың ісі шала.
*Бола, боланинг иши чала.*

Батыр бір өледі,
Қорқақ мың өледі.
*Мард бир ўлади,*
*Қўрқоқ минг ўлади.*

Барлық бәле тілден шығады.
*Барча бало тилдан чиқади.*

Білгенің бір тоғыз,
Білмегенің тоқсан тоғыз.
*Билганинг бир тўққиз,*
*Билмаганинг тўқсон тўққиз.*

Газет – бір күндік,
Сөзі – мың күндік.
*Газет – бир кунлик,*
*Сўзи – минг кунлик.*

Дерт – дене ауруы,
Қайғы – жан ауруы.
*Дард – тан огриги,*
*Қайғу – жон огриги.*

Дерт түйені де шөктіреді.
*Дард туяни ҳам чўктиради.*

Дерт желмен кіріп, термен шығады.
*Дард ел билан кириб, тер билан чиқади.*

Досыңның үйінде су берсе де ішіп кет.
*Дўстингнинг уйида сув берса ҳам ичиб кет.*

Достық – достықты шақырады.
*Дўстлик – дўстликни чақиради.*

Досы жоқпен сырлас,
Досы көппен сыйлас.
*Дўсти йўқ билан сирлаш,*
*Дўсти кўп билан сийлаш.*

Дұрыс істі Құдай жақтайды.
*Тўғри ишни Худо ёқлайди.*

Екі жүзді пышақтан екі жүзді адам жаман.
*Икки юзли пичоқдан икки юзли одам ёмон.*

Етікшіден сақ бол,
Бігізі көзіңе, сөзі өзіңе тиеді.
*Этикдўздан ҳушёр бўл,*
*Бигизи кўзингга, сўзи ўзингга тегар.*

Екі жарты бір бүтін.
*Икки ёрти – бир бутун.*

Екі есерсоқ ұлдан есті бір қыз артық.
*Икки овсар ўғилдан эсли бир қиз яхши.*

Еркек сергек ұйықтаса, береке бітеді,
Әйел сергек ұйықтаса, жұмыс бітеді.
*Эркак сергак ухласа, ризқ битади,*
*Аёл сергак ухласа, иш битади.*

Еңбексіз өмір – түтеген көмір.
*Меҳнатсиз умр – тутаган кўмир.*

Еңбек өмірді безейді.
*Меҳнат умрни безайди.*

Ерте тұрған жігіттің ырысы артық,
Ерте тұрған әйелдің бір ісі артық.
*Эрта турган йигитнинг ризқи ортиқ,*
*Эрта турган аёлнинг бир иши ортиқ.*

Елменен ел достасқан,
Ғасыры туды адамның.
*Эл билан эл дўстлашган,*
*Даври келди инсоннинг.*

Ермек іздеген бәлеге жолығады,
Еңбек іздеген қазынаға жолығады.
*Эрмак излаган балога йўлиқади,*
*Меҳнат излаган хазинага йўлиқади.*

Есек мінген ат сұрайды,
Балық жеген ет сұрайды.
*Эшак минган от сўрайди,*
*Балиқ еган гўшт сўрайди.*

Еңбексіз елге сыймас.
*Меҳнатсиз элга сигмас.*

Еңбек еткеннің аузы қимылдайды.
*Меҳнат қилганнинг огзи қимирлайди.*

Ешкіге жан қайғы,
Қасапшыға мал қайғы.
*Эчкига жон қайгуси,*
*Қассобга мол қайгуси.*

Екпей өнім болмас,
Үйренбей білім жұқпас.
*Экмай ҳосил бўлмас,*
*Ўрганмай билим юқмас.*

Егінді суарсаң күз суар,
Күз суармасаң жүз суар.
*Экинни сугорсанг куз сугор,*
*Куз сугормасанг юз сугор.*

Еңбек етсең ерінбей,
Тояды қарның тіленбей.
*Меҳнат қилсанг эринмай,*
*Тўяди қорнинг тиланмай.*

Жақындықты ат ажыратады,
Оқымағанды хат ажыратады.
*Яқинликни от ажратади,*
*Ўқимаганни хат ажратади.*

**Жаман үйді қонағы билейді.**

*Ёмон уйни меҳмони бошқаради.*

**Жаман көзден, жаман тілден сақтан.**

*Ёмон кўздан, ёмон тилдан сақлан.*

**Жеңіл жұмыс іздесең, ауырына ұшырайсың.**

*Енгил юмуш изласанг, огирига учрайсан.*

**Жердің шегесі – тау,**
**Айтыстың шегесі – ант.**

*Ернинг михи – тог,*
*Баҳснинг михи – онт.*

**Жақсылыққа жақсылық – әр кісінің ісі,**
**Жамандыққа жақсылық – ер кісінің ісі.**

*Яхшиликка яхшилик – ҳар кишининг иши,*
*Ёмонликка яхшилик – эр кишининг иши.*

**Жайлауына қарап мал өседі,**
**Дариясына қарап терек өседі.**

*Яйловига қараб мол ўсади,*
*Дарёсига қараб тол ўсади.*

Жігітке жетпіс өнер де аз.
*Йигит кишига етмиш ҳунар ҳам оз.*

Жақсылық жерде қалмайды.
*Яхшилик ерда қолмайди.*

Жақсы сөз – жан азығы.
*Яхши сўз – жон озиги.*

Жақсылық – жүректен,
Жамандық – білектен.
*Яхшилик – юракдан,*
*Ёмонлик – билакдан.*

Жақсылықтың ерте-кеші жоқ.
*Яхшиликнинг эрта-кечи йўқ.*

Жақсы әйел күйеуінің жақсылығын асырады,
жамандығын жасырады.
*Яхши аёл эрининг яхшилигини оширади,*
*ёмонлигини яширади.*

Жақсының қадірін жақсы біледі.
*Яхшининг қадрини яхши билади.*

Жан ауырса, дене азады,
Қайғы келсе, жан азады.
*Жон оғриса, тан озади,*
*Қайғу келса, жон озади.*

Жүрегі сұлудың жүзі сұлу.
*Юраги гўзалнинг юзи ҳам гўзал.*

Жақсы сөзді ел жаттар,
Ел жаттар сөзде салмақ бар.
*Яхши гапни эл ёдлар,*
*Эл ёдлаган гапда салмоқ бор.*

Жақсы болса жолдасың – мұратыңа жетесің,
Жаман болса жолдасың – жарты жолда қаласың.
*Яхши бўлса йўлдошинг – муродингга етасан,*
*Ёмон бўлса йўлдошинг – ярим йўлда қоласан.*

Жылауық болса да баланың бары жақсы,
Бақырауық болса да түйенің бары жақсы.
*Йиглоқи бўлса ҳам боланинг бори яхши,*
*Бақироқ бўлса ҳам туянинг бори яхши.*

Жүрген береке табар.
*Юрган барака топар.*

Жақсы ат – жан серік.

*Яхши от – жон шерик.*

Жалқаулық жасамаған жауды женеді.

*Ялқовлик қилмаган ёвни енгади.*

Жатқан жыланның құйрығын баспа.

*Ётган илоннинг думини босма.*

Жан қиналмай жұмыс бітпейді,
Талап етпей мұратқа жетпейді.
*Жон қийналмай иш битмайди,*
*Талаб қилмай муродга етмайди.*

Жамандық көрмей жақсылық болмас.

*Ёмонлик кўрмай яхшилик бўлмас.*

Жылқының сыры иесіне белгілі.

*Отнинг сири эгасига маълум.*

Жетім қозы сүтке тоймас.

*Етим қўзи сутга тўймас.*

**Жетектеген ит ауға жарамайды.**

*Етакланган ит овга ярамайди.*

**Жаманнан жарты қасық ас қалады.**

*Ёмондан ёрти қошиқ ош қолади.*

**Жамандық пайда бермейді,**
**Жақсылық босқа кетпейді.**

*Ёмонлик фойда бермайди,*
*Яхшилик зое кетмайди.*

**Жабайы шөп егіннің соры.**

*Ёввойи ўт экиннинг шўри.*

**Жау шабуы келгенде, жүрмес есек ат болар,**
**Қарын қатты ашқанда, қара талқан қант болар.**

*Ёв бостириб келганда, юрмас эшак от бўлар,*
*Қорин қаттиқ очганда, қора талқон қанд бўлар.*

**Жаман әйел күйеуіне жалғыз атын сойдырады,**
**Жақсы әйел жолдасын жоқты жонып тойдырады.**

*Ёмон хотин эрига ёлгиз отин сўйдиради,*
*Яхши хотин йўлдошин йўқни йўниб тўйдиради.*

**Жаман шопанның жайлауы бір күндік,**
**Жақсы шопанның жайлауы мың күндік.**
*Ёмон чўпоннинг яйлови бир кунлик,*
*Яхши чўпоннинг яйлови минг кунлик.*

**Жерінен айрылған жеті жылайды,**
**Елінен айрылған өлгенше жылайды.**
*Еридан айрилган етти йиглайди,*
*Элидан айрилган ўлгунча йиглайди.*

**Жақсы тай шапсаң – ат,**
**Ұшсаң – қанат.**
*Яхши тулпор чопсанг – от,*
*Учсанг – қанот.*

**Жалынсыз түтін болмас,**
**Қайғысыз – қуаныш.**
*Оловсиз тутун бўлмас,*
*Қайгусиз – қувонч.*

**Жылқыдан құлын озады,**
**Атадан – перзент.**
*Отдан той ўзади,*
*Отадан – фарзанд.*

Зер қадірін зергер біледі,
Жігіт қадірін жігіт біледі.
*Зар қадрини заргар билади,*
*Йигит қадрини йигит билади.*

Иесіз есекті қасқыр жейді.
*Эгасиз эшакни бўри ейди.*
Иілгеннің басын еңбек көтереді.
*Эгилганнинг бошини меҳнат кўтаради.*

Иттің бәрі де тазы болмас,
Еттің бәрі де қазы болмас.
*Итнинг ҳаммаси ҳам този бўлмас,*
*Гўштнинг ҳаммаси ҳам қази бўлмас.*

Кітапсыз ғалым – тілсіз мұғалім.
*Китобсиз олим – тилсиз муаллим.*

Кедейдің бір тойғаны – шала байығаны.
*Фақирнинг бир тўйгани – чала бойигани.*

Көптің алғысы көкке жеткізеді.
*Кўп олқиши кўкартирар.*

Күле кіріп, күңіреніп шыққаннан сақта.
*Кулиб кириб, хўмрайиб чиққандан сақла.*

Көзің ауырса, қолыңды ти,
Ішің аурыса, аузыңды ти.
*Кўзинг огриса, қўлингни тий,*
*Қорнинг огриса, огзингни тий.*
Көз – таразы,
Көңіл – қазы.
*Кўз – тарози,*
*Кўнгил – қози.*

Көз – нұр ұясы,
Көңіл – сыр ұясы.
*Кўз – нур уяси,*
*Кўнгил – сир уяси.*

Көз – қорқақ, қол – батыр.
*Кўз – қўрқоқ, қўл ботир.*

Келгенше қонақ ұялады,
Келген соң, үй иесі ұялады.
*Келгунча меҳмон уялар,*
*Келгач, мезбон уялар.*

**Көңіл кең болса,**
**Үйдің тарлығы білінбейді.**
*Кўнгил кенг бўлса,*
*Уйнинг торлиги билинмас.*

**Көсеу ұзын болса, қол күймейді.**
*Косов узун бўлса, қўл куймайди.*

**Көз жетпеген жерге сөз жетеді.**
*Кўз етмаган ерга сўз етади.*

**Күшіңе сенбе,**
**Өнеріңе сен.**
*Кучингга ишонма,*
*Ҳунарингга ишон.*

**Керек тастың ауыры жоқ.**
*Керакли тошнинг огири йўқ.*

**Көргеннен көрмегенің көп,**
**Білгеннен білмегенің көп.**
*Кўргандан кўрмаганинг кўп,*
*Билгандан билмаганинг кўп.*

Қазсаң арықты, көресің жарықты.
*Қазисанг ариқни, кўрасан ёругни.*

Қиыншылықсыз жеңілдік жоқ,
Еңбексіз – өмір.
*Қийинчиликсиз енгиллик йўқ,*
*Меҳнатсиз – умр.*

Қайгысы жоқ суға да семіреді.
*Ғами йўқ сувга ҳам семиради.*

Қонақтың разылығы атадан қымбат.
*Меҳмоннинг розилиги отадан қиммат.*

Қарыздарда иман жоқ.
*Қарздорда иймон йўқ.*

Қалтасында тиыны жоқ,
Түйе тісін ашып көреді.
*Чўнтагида тийини йўқ,*
*Туя тишини очиб кўрар.*

Қарны ашқа қара нан да май татиды,
Шөлдегенге қарапайым су бал татиды.
*Қорни очга қора нон ҳам мой татийди,*
*Чанқаганга оддий сув ҳам бол татийди.*

Қарға баласын аппағым дейді,
Кірпі баласын жұмсағым дейді.
*Қарға боласини оппоғим дейди,*
*Типратикан боласини юмшоғим дейди.*

Қарға көргенін шоқиды,
Молда білгенін оқиды.
*Қарға кўрганини чўқийди,*
*Мулла билганини ўқийди.*

Қонақты сөзбен тойдыра алмайсың.
*Меҳмонни гап билан тўйдиролмайсан.*

Қонақ келді – ырысын ала келді.
*Меҳмон келди – ризқи билан келди.*

Қонағым, өз үйің бар екендігін де ұмытпа,
Қонағым, сен “Істе” деме, мен “Кет ”демейін.
*Меҳмоним, ўз уйинг борлигини ҳам унутма.*
*Меҳмоним, сен “Ишла” дема, мен “Кет” демайин.*

Қонаққа кел демек бар, кет демек жоқ.
*Меҳмонга кел демоқ бор, кет демоқ йўқ.*

Қайыр етсең, бүтін ет.
*Хайр қилсанг, бутун қил.*

Қыз әдебімен, жігіт өнерімен.
*Қиз одоби билан, йигит ҳунари билан.*

Қалауын тапсаң қар жанады.
*Қаловини топсанг қор ҳам ёнади.*

Қайнаған судың да қасиеті бар.
*Қайнаган сувнинг ҳам хосияти бор.*

Қазан қайнап тұрса,
Ақыл сайрап тұрады.
*Қозон қайнаб турса,*
*Ақл сайраб туради.*

Қай жерге бұйырса да екі қолға бір жұмыс.
*Қаерга буюрса ҳам икки қўлга бир юмуш.*

Қолың ұста болсын,
Сөзің қысқа болсын.
*Қўлинг уста бўлсин,*
*Сўзинг қисқа бўлсин.*

Қатты жерге егін шықпас,
Ақымақ басқа білім жұқпас.
*Қаттиқ ердан экин чиқмас,*
*Аҳмоқ бошга билим юқмас.*

Қонаққа барсаң, ерте бар,
Ерте барсаң, орын бар.
*Меҳмонга борсанг, эрта бор,*
*Эрта борсанг, жой бор.*

Қыстың қамын жазда же,
Жаздың қамын қыста же.
*Қишнинг ғамини ёзда ўйла,*
*Ёзнинг ғамини қишда ўйла.*

Қазанға жақын жүрсең, қарасы жұғар,
Жаманға жақын жүрсең, пәлесі жұғар.
*Қозонга яқин юрсанг, қораси юқар,*
*Ёмонга яқин юрсанг, балоси юқар.*

Қайғы қартайтады,
Күлкі жасартады.
*Қайғу қаритади,*
*Кулгу ёшартиради.*

Қотыр жылқыға соқыр жылқы жолдас.
*Қўтир отга сўқир от йўлдош.*

Қыс азығын жазда жина.
*Қиш озигини ёзда йиғ.*

Жарлының байлығы – денінің саулығы.
*Бечоранинг бойлиги – танасининг соғлиги.*

Мектеп – кеме, білім – теңіз.
*Мактаб – кема, илм – денгиз.*

Ненің қадіріне жетпесең,
соған зар боласың.
*Ниманинг қадрига етмасанг,*
*шунга зор бўласан.*

Он бала бір атаға жүк болмайды,
Бір ата он балаға жүк болады.
*Ўн бола бир отага юк бўлмайди,*
*Бир ота ўн болага юк бўлади.*

Оқысаң – озасың, алыссаң – тозасың.
*Ўқисанг – ўзасан, курашсанг – тўзасан.*

От пен су – екі тілсіз жау.
*Ўт билан сув – икки тилсиз ёв.*

От денені ысытады,
Жақсы сөз жанды ысытады.
*Олов танани иситади,*
*Яхши сўз жонни иситади.*

Өнер – ағып тұрған бұлақ,
Білім – жанып тұрған шырақ.
*Ҳунар – оқиб турган булоқ,*
*Илм – ёниб турган чироқ.*

Өнер көпке жеткізеді,
Көкке де жеткізеді.
*Ҳунар кўпга етказади,*
*Кўкка ҳам етказади.*

Өнерлі қол аш қалмайды.
*Ҳунарли қўл оч қолмас.*

Өзбек – өз ағам.
*Ўзбек – ўз оғам.*

Өтпейтін өмір жоқ,
Сынбайтын темір жоқ.
*Ўтмайдиган умр йўқ,*
*Синмайдиган темир йўқ.*

Өлең сөздің патшасы, сөз сарасы.
*Ўлан – сўзнинг подшоси, сўз сараси.*

Өнер-білім бәрі де, оқуменен табылар.
*Ҳунар-билим ҳаммаси, ўқиш билан топилар.*

Өлімнен басқасының бәріне асық.
*Ўлимдан бошқасига шошил.*

Өзін абайлағанды пәле де ұрмас.
*Ўзини авайлаганни бало ҳам урмас.*

**Өнерлінің жолы ашық.**
*Ҳунарлининг йўли очиқ.*

**Өгіз өлгенше өседі.**
*Ҳўкиз ўлгунча ўсади.*

**Сусыз жерде қамыс жоқ,**
**Басшысы жоқ елде намыс жоқ.**
*Сувсиз ерда қамиш йўқ,*
*Бошчиси йўқ элда номус йўқ.*

**Соқырдың есітері – құлағы,**
**Ақсақтың аяғы – таяғы.**
*Сўқирнинг эшитадигани – қулоғи,*
*Оқсоқнинг оёғи – таёғи.*

**Су басынан айниды,**
**Балық басынан шіриді.**
*Сув бошидан айнийди,*
*Балиқ бошидан сасийди.*

**Су басса, жер азады,**
**Қайғы басса, ер азады.**
*Сув босса, ер озади,*
*Қайғу босса, эр озади.*

Сыйлауға асың болмаса да,
Сыйлауға тілің болсын.
*Сийлашга ошинг бўлмаса-да,*
*Сийлашга тилинг бўлсин.*

Суын ішкен құдыққа түкірме.
*Сувини ичган қудуққа тупурма.*

Судың да сұрауы бар.
*Сувнинг ҳам сўрови бор.*

Сиыр сылағанды білмейді,
Жаман сыйлағанды білмейді.
*Сигир силаганни билмайди,*
*Ёмон сийлаганни билмайди.*

Сұлу сұлу емес, сүйікті сұлу.
*Сулув сулув эмас, суюкли сулув.*

Семіздікті қой көтереді.
*Семизликни қўй кўтаради.*

Су жүрген жер – береке.
*Сув юрган ер – барака.*

Түйесі жоқ ауылға бота да түйе көрінеді.
*Туяси йўқ овулга бўталоқ ҳам туя кўринади.*

Таныс жерде бай сыйлы,
Бейтаныс жерде тон сыйлы.
*Таниш ерда бой сийланади,*
*Танимаган ерда тўн сийланади.*

Түн артынан күн келер.
*Тун ортидан кун келар.*

Түсіңе сенбе,
Күшіңе сен.
*Тушингга ишонма,*
*Кучингга ишон.*

Түн иесі – шырақ,
Су иесі – сушы.
*Тун эгаси – чироқ,*
*Сув эгаси – мироб.*

Тәңрі деген пенделер
Ештеңеге зар болмайды.
*Оллоҳ деган бандалар*
*Ҳеч нарсага зор бўлмас.*

Тамшыдан тама берсе, дария болар.
*Томчи-томчи томиб, дарё бўлади.*

Тату үйдің асы дәмді.
*Аҳил уйнинг оши тотли.*

Таңдаған тазысына жолығады.
*Танлаган тозисига йўлиқади.*

Тайды ат деп санама,
Жақсыны жат деп санама.
*Тойни от деб санама,*
*Яхшини ёт деб санама.*

Теңін тапса, тегін бер.
*Тенгини топса, текин бер.*

Түйеге жантақ керек болса, мойнын созады.
*Туяга янтоқ керак бўлса, бўйнини чўзади.*

Түйені самал ұшырса,
Ешкіні аспанда көр.
*Туяни шамол учирса,*
*Эчкини осмонда кўр.*

Түйе ұрлаған да ұры,
Түйме ұрлаған да ұры.
*Туя ўгирлаган ҳам ўгри,*
*Тугма ўгирлаган ҳам ўгри.*

Терең құдықтың суы тәтті.
*Чуқур қудуқнинг суви ширин.*

Туылу бар, өлу бар.
*Тугилмоқ бор, ўлмоқ бор.*

Түйе түзге барады,
Жігіт қызға барады.
*Туя даштга боради,*
*Йигит қизга боради.*

Уақыты келсе, тұлпардан тай озар,
Өнері өтсе, әкеден бала озар.
*Вақти келса, тулпордан той ўзар,*
*Ҳунари ўтса, отадан бола ўзар.*

Ұзынсыз қысқа болмайды,
Епсіз ұста болмайды.
*Узунсиз қисқа бўлмас,*
*Эпсиз уста бўлмас.*

Ұрыны қарақшы ұрады.
*Ўғрини қароқчи уради.*

Ұл ұяты – экеге,
Қыз ұяты – анаға.
*Ўғил ұяти – отага,*
*Қиз уяти – онага.*

Шопан көп болса,
Қой арам өледі.
*Чўпон кўп бўлса,*
*Қўй ҳаром ўлади.*

Шөлде құдық қазған сауап.
*Чўлда қудуқ қазиган савоб.*

Шақырғанда бармасаң,
Шақыруға зар боласың.
*Чақирганда бормасанг,*
*Чақирувга зор бўласан.*

Іздесең – табасың, күрессең – аласың.
*Изласанг – топасан, курашсанг йиқасан.*



# *Қирғиз халқ* ДОНИШМАНДЛИГИ

# ЧЫҢГЫЗ АЙТМАТОВ

(1928-2008)

Чыңгыз Айтматов кыргыз элинин улуу жазуучусу. Анын наамы XX кылымда эл аралык масштабда таан алынган дүйнө адабиятынын улуу өкүлдөрү менен бир катарда турат. Белгилүү адабият таануучу окумуштуулар аны Л.Толстой, Ф. Достоевский, У. Фолкнер сыңары адабиятчылардын катарына коюшат. Ал тирүү кезинде эле жазуучу деген улуу даңкка татыктуу болгон сөз устасы эле.

Жазуучу чыгармаларында ушул күндүн актуалдуу кубулуштары элдик оозеки чыгармачылыгы аркылуу айтылып келинген легендалар, уламыштар менен жуурулушуп, укмуштуудай бир бүтүндүктү түзөт. Ч.Айтматовдун чыгармаларына шоола чачкан күн – адамзаттын тарыхындагы эң чоң дастандардын бири болуп саналуучу кыргыз “Манасы” болот.

Чыңгыз Айтматов өзбек эли жана өзбек адабиятынын чоң досу болгон. “Византия маданияты байыркы Орус маданиятынын өркүндөөсүнө канчалык катуу таасир көрсөткөн болсо, өзбек маданияты Борбордук Азия элдеринин маданиятынын өнүгүүсүнө ошол даражада таасир көрсөткөн”, деп айткан эле улуу жазуучу.

Чыңгыз Айтматов 1928-жылдын 12-декабрында Кыргызстандын Талас өрөөнүндөгү Шекер айылында туулган. Чоң атасы Айтмат уулу Төрөкулду

Олуя Атадагы орус-тузем мектебине жайгаштырат. Кийинчерээк Төрөкул Айтматов Кыргызстандын чоң мамлекеттик ишмери даражасына көтөрүлдү. Тилекке каршы адамга сыйынуу доорунун курманы болду. Чыңгыздын энеси Нагима Айтматова билимдүү, акылдуу аял болгон. Болочок жазуучуга балалык жылдарында чоң энеси Айымкан апа жана анын кызы Каракыз эже көп уламыш, легенда, ырлар айтып беришчү. Жазуучунун чыгармаларына жаш кезинде уккан ушул уламыштардын таасири тийгизгени шексиз. Чыңгыз алгач орус, кийин кыргыз мектебинде окууну улантты. Ал айыл өкмөтүндө катчы, салык жыйноочу, бригада эсепчиси болуп иштеди. 1948-жылда Жамбыл шаарындагы зооветеринария техникумун, 1953-жылы Кыргызстан айыл чарба институтун бүтүргөн. Ал 1956–1958-жылдарда Москвадагы Жогорку адабият курсунда билим алды.

Жазуучунун наамын алгачкы жолу эл аралык масштабда атактуу кылган чыгарма “Жамийла” повести болду. 1958-жылда жазылган бул повесть 1959-жылы орус жана француз тилдеринде жарыяланган, эки жылдын ичинде мурдагы союз жана чет элдеги отузга жакын тилге которулду. Совет адабиятында мындай кубулуш болгон эмес. Чыгарманы француз тилине которгон Луи Арагон аны “Махабат тууралуу эң сонун баян” деп баа берди, а түгүл макаланын наамын да ушундай деп атады.

“Ак кеме” повести жазуучунун мына ушул багыттагы тазалык жана адилеттик, канкордуктун тамырлары, улуттук каада-салттар жана адамзаттын кадыр-баркына арналган эң сонун чыгармаларынан бири болот.

“Кылым карытар бир күн” романы Чыңгыз Айтматовдун дүйнөлүк масштабдагы даңкына жаңы даңк кошту.

Чыңгыз Айтматовдун “Кыямат” романында боорукердик менен кеңпейилдүүлүктүн, жакшылык менен чындыктын кыямат-кайым даражасына түшүп жаткан абалдары, табият, коом, инсан жана ыйман көйгөйлөрү мисалында чагылдырат.

Чыңгыз Айтматов Кыргызстандын эл жазуучусу (1968), 1995-жылдан Борбордук Азия элдеринин маданияты ассамблеясынын Президенти болгон. Жазуучу Өзбекстандын “Дўстлик” (1995), “Буюк хизматлари учун” (1998) ордендери менен сыйланган. Кыргызстан Республикасында Чыңгыз Айтматов атындагы Эл аралык “Алтын медаль” сыйлыгы уюштурулган (1999). Чыңгыз Айтматовдун чыгармалары 170 тен ашуун чет тилдерине которулган.

Өзбекстан Республикасы Президентинин токтомуна ылайык 2018-жылы мамлекетибизде жазуучунун туулган күнүнүн 90 жылдыгы кеңири белгиленди. Борбор көчөлөрүнүн бирине Чыңгыз Айтматов наамы берилди. Өзбекстан Улуттук университетинде “Чыңгыз Айтматов жана Өзбекстан” туруктуу экспозициясы уюштурулду.

Чыңгыз Айтматов “Ашым”, “Гезитчи Дзюйдо”, “Ак жаан”, “Түнкү сугат”, “Бетме-бет”, “Кызыл жоолук жалжалым”, “Биринчи мугалим” (1962), “Саманчынын жолу” (1963), “Жаныбарым, Гүлсары” (1966), “Ак кеме”, “Деңиз бойлой жорткон Ала Дөбөт” (1977), “Кыямат” (1986), “Кылым карытар бир күн”, “Кассандра тамгасы” (1990), “Түбөлүк колукту” сыяктуу чыгармалардын автору.

# ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ

(1928-2008)

Чингиз Айтматов қиргиз халқининг улуғ ёзувчисидир. Унинг номи XX асрда халқаро миқёсда тан олинган жаҳон адабиётининг буюк вакиллари билан бир сафда туради. Таниқли адабиётшунос олимлар уни Л.Толстой, Ф.Достоевский, У.Фолкнер каби адиблар қаторига қўядилар. Шу маънода, у ҳаётлик чоғидаёқ буюк адиб деган шарафли эътирофга муносиб бўлган сўз устаси эди.

Ёзувчи асарларида шу куннинг долзарб ҳодисалари халқ оғзаки ижоди орқали етиб келган афсоналар, ривоятлар билан уйғунлашиб, ажиб бир яхлитликни ташкил этади. Ч.Айтматов асарларига зиё сочувчи қуёш – инсоният тарихидаги энг улкан достонлардан бири саналувчи қирғиз “Манас”идир.

Чингиз Айтматов ўзбек халқи ва ўзбек адабиётининг дўсти эди. “Византия маданияти қадим Рус маданияти равнақига нечоғли кучли таъсир кўрсатган бўлса, ўзбек маданияти Марказий Осиё халқлари маданияти ривожига шу даражада таъсир кўрсатган”, деб айтганди улуғ адиб.

Чингиз Айтматов 1928 йил 12 декабрда Қирғизистоннинг Талас водийсидаги Шакар овулида туғилган. Бобоси Айтмат оға ўғли Тўрақулни Авлиё отадаги

рус-тузем мактабига жойлаштиради. Кейинчалик Тўрақул Айтматов Қирғизистоннинг йирик давлат арбоби даражасига кўтарилади. Афсуски, у шахсга сиғиниш даврининг қурбони бўлди.

Чингизнинг онаси Нагима Айтматова ўқимишли, оқила аёл эди. Бўлажак адибга болалик йилларида бувиси Ойимхон ая ва унинг қизи Қорақиз опа кўпдан-кўп ривоят, афсона, қўшиқлар айтиб берарди. Ёзувчи асарларига болаликдан эшитган шу ривоятларнинг муайян таъсири бўлган, албатта. Чингиз аввал рус, сўнг қирғиз мактабида ўқишни давом эттирди. У қишлоқ шўросида котиб, солиқ йиғувчи, бригада ҳисобчиси бўлиб ишлади. 1948 йилда Жамбил шаҳридаги зооветеринария техникумини, 1953 йили Қирғизистон қишлоқ хўжалик институтини тамомлаган. У 1956–1958 йилларда Москвадаги Олий адабиёт курсида таҳсил олди.

Адиб номини илк бор халқаро миқёсда машҳур қилган асар “Жамила” қиссаси бўлди. 1958 йилда ёзилган бу қисса 1959 йили рус ва француз тилларида эълон қилинган, икки йил ичида собиқ иттифоқ ва хориждаги ўттизга яқин тилга ўгирилди. Шўро адабиётида бундай ҳодиса бўлган эмас. Асарни француз тилига ўгирган Луи Арагон уни “Муҳаббат ҳақида ёзилган жаҳондаги энг ажойиб қисса” деб баҳолади ва шу сарлавҳали мақола ёзди.

“Оқ кема” қиссаси адибнинг поклик ва адолат, хунрезликнинг илдизлари, миллий анъаналар ва инсоний қадриятлар талқинига бағишланган гўзал асарларидан биридир. “Асрга татигулик кун” романи

эса Чингиз Айтматовнинг жаҳон миқёсидаги шуҳратига шухрат қўшди.

Чингиз Айтматовнинг “Қиёмат” романида эзгулик ва олижанобликнинг, яхшилик ва тўғриликнинг, адолат ва ҳақгўйликнинг қиёмат-қойим даражасига тушаётган ҳолатлари табиат, жамият, инсон ва иймон муаммолари мисолида акс эттирилади.

Чингиз Айтматов Қирғизистон халқ ёзувчиси (1968), 1995 йилдан Марказий Осиё халқлари маданияти ассамблеяси Президенти бўлган. Ёзувчи Ўзбекистоннинг “Дўстлик” (1995), “Буюк хизматлари учун” (1998) орденлари билан мукофотланган эди. Қирғизистон Республикасида Чингиз Айтматов номидаги Халқаро “Олтин медал” мукофоти таъсис этилган (1999). Чингиз Айтматовнинг асарлари 170 дан ортиқ хорижий тилларга таржима қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига биноан 2018 йили мамлакатимизда адиб таваллудининг 90 йиллиги кенг нишонланди. Пойтахт кўчаларининг бирига Чингиз Айтматов номи берилди. Ўзбекистон Миллий университетида “Чингиз Айтматов ва Ўзбекистон” доимий экспозицияси ташкил этилди.

Чингиз Айтматов “Ашим”, “Газетачи Дзюйдо”, “Оқ ёмғир”, “Сепоячи”, “Юзма-юз”, “Сарвқомат дилбарим”, “Сомон йўли” (1963), “Момо ер”, “Алвидо, Гулсари” (1966), “Оқ кема”, “Соҳил ёқалаб чопаётган олапар” (1977), “Қиёмат” (1986), “Биринчи муаллим” (1962), “Асрга татигулик кун”, “Кассандра тамғаси” (1990), “Адабий қаллиқ” каби асарлар муаллифидир.

# КЫРГЫЗ ЭЛ МАКАЛДАРЫ
# ҚИРҒИЗ ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИ

Оозго келген сөз арзан,
Айылга келген бөз арзан.
*Огизга келган сўз – арзон,*
*Овулга келган бўз – арзон.*

Алтын отто билинет,
Адам эмгекте билинет.
*Олтин ўтда билинар,*
*Одам – меҳнатда.*

Адамдын көркү – эмгекте.
*Одамнинг ҳусни – меҳнатда.*

Айтылган сөз – атылган ок.
*Айтилган сўз – отилган ўқ.*

Ачуу тил – жыландын заары,
Таттуу тил – жүрөккө дары.
*Аччиқ тил – заҳри илон,*
*Ширин тилга – жон қурбон.*

Акылдуу балага – бир сөз,
Акылсыз балага – миң сөз.
*Ақллига бир сўз бас,*
*Ақлсизга минг сўз оз.*

Аз сөз – саз сөз.
*Оз сўзла – соз сўзла.*

Буудай сепсең – буудай оросуң,
Арпа сепсең – арпа оросуң.
*Бугдой сепсанг – бугдой ўрасан,*
*Арпа эксанг – арпа ўрасан.*

Акыл – баштан, асыл – таштан.
*Ақл бошдан чиқади, асл – тошдан.*

Акылдуу карыя, агып жаткан дарыя.
*Оқил қария – оқиб турган дарё.*

Акыл карыбайт, алтын чирибейт.
*Ақл айнимас, олтин чиримас.*

Акмакка – келтек, акылдууга – ишарат.
*Ахмоққа – калтак, донога – ишорат.*

Акмакка айтсаң укпайт,
Пайда кылсаң жукпайт.
*Аҳмоққа гап уқмайди,*
*Насиҳатинг юқмайди.*

Адепсизден да адептүүлүктү үйрөн.
*Одобни беодобдан ўрган.*

Адептин башы – тил.
*Одобнинг боши – тил.*

Ата Журтуң – алтын бешигиң.
*Ота юртинг – олтин бешигинг.*

Аганы көрүп ини өсөт,
Эжени көрүп синди өсөт.
*Оғани кўриб ини ўсар,*
*Опани кўриб сингил.*

Акыл айга жеткирет,
Өнөр көккө жеткирет.
*Ақл ойга кўтарар,*
*Ҳунар – кўкка.*

Ат тапканча аяк улоо.
*От топилгунча оёқ ҳам улов.*

Асман – алыс, жер – катуу.
*Осмон – йироқ, ер – қаттиқ.*

Алма сабагынан алыс түшпөйт.
*Олма тупидан йироққа тушмас.*

Ага-тууган ынтымактуу болсо, баш көп,
Абысындар ынтымактуу болсо, аш көп.
*Қариндош-уруғ бир бўлса, бош кўпаяр,*
*Овсинлар тотув бўлса, ош кўпаяр.*

Айдын да темгили бар.
*Ойда ҳам доғ бор.*

**Айылды алалык бузат,**
**Араны каралык бузат.**
*Овулни олалик бузар,*
*Орани ичи қоралик бузар.*

**Аталар сөзү – акылдын көзү.**
*Оталар сўзи – ақлнинг кўзи.*

**Адам ойго тойбойт,**
**Бөрү койго тойбойт.**
*Одам ўйга тўймас,*
*Бўри – қўйга.*

**Арык атка камчы жоо,**
**Жыртык үйгө тамчы жоо.**
*Ориқ отга қамчи – ёв,*
*Тешик томга томчи – ёв.*

**Абийирди жашыңдан сакта.**
*Номусни ёшликдан асра.*

**Аалым болсоң, аалам сеники.**
*Олим бўлсанг, олам сеники.*

Бирдик бар жерде береке бар.
*Бирликда барака бор.*

Бирдик болбой, тирдик болбойт.
*Бирлик бор – тириклик бор.*

Бириккен эл – озоор,
Бирикпеген – тозоор.

*Бирлашган – ўзар,*
*Бирлашмаган – тўзар.*

Бекерден теңирим безер.
*Бекорчидан худо безор.*

Бекер турганча, бекер иште.
*Бекор ўтиргунча, бекор ишла.*

Бир жакшы сөз эстен чыкпайт,
Бир жаман сөз эстен чыкпайт.
*Бир яхши гап эсдан чиқмас,*
*Бир – ёмон гап.*

Бир күн туз таткан жериңе,
Миң күн салам бер.
*Бир кун туз ичган жойга*
*Минг кун салом бер.*

Бирөөнүн сөзү жакшы,
Бирөөнүн өзү жакшы.
*Бировнинг сўзи яхши,*
*Бировнинг ўзи яхши.*

Билеги күчтүү бирди жыгат,
Билими күчтүү миңди жыгат.
*Билаги зўр бирни йиқар,*
*Билими зўр – мингни.*

Билек жирей албаганды,
Билим жирейт.
*Билак билан битмаган иш*
*Билим билан битар.*

Бербестин ашы бышпас,
Бышса да казандан түшпөс.
*Бермаснинг оши пишмас,*
*Пишса ҳам қозонидан тушмас.*

Бакылдын багы көгөрбөйт,
Көгөрсө да көбөйбөйт.
*Бахилнинг боғи кўкармас,*
*Кўкарса ҳам ҳосил бермас.*

Боюндай бой табылса да,
Оюндай ой табылбайт.
*Бўйимдай бўй топилса ҳам,*
*Ўйимдай ўй топилмас.*

Болор бала он бешинде баш болот,
Болбос жаман отузунда жаш болот.
*Бўлар бола ўн бешида бошман, дейди.*
*Бўлмағури ўттизида ёшман, дейди.*

Буудайдын барар жери тегирмен.
*Буғдойнинг борар жойи тегирмон.*

Барга мактанба,
Жокко кайгырба.
*Борликда мақтанма,*
*Йўқликда қайғурма.*

Бөрүнүн өзү тойсо да көзү тойбойт.
*Бўрининг ўзи тўйса ҳам кўзи тўймас.*

Бар мактанса табылар,
Жок мактанса чабылар.
*Бор бор деса – топилар,*
*Йўқ бор деса – чопилар.*

Бетке айткандын – заары жок.
*Бетга айтганнинг заҳри йўқ.*

Базарга бар, бактыңан көр.
*Бозорга бор, бахтингдан кўр.*

Байлык – байлык эмес,
Бирдик – байлык.
*Бойлик бойлик эмас,*
*Аҳиллик – бойлик.*

Бер десең – үтүрөйөт.
Ал десең – жылмаят.
*Ол десанг – суюнар,*
*Бер десанг – куюнар.*

Бапылдаган текени
Суу кечкенде көрөбүз.
Менменсинген жигитти
Жоо келгенде көрөбүз.
*Диконглаган такани*
*Сув кечганда кўр,*
*Зўрман деган йигитни*
*Ёв босганда кўр.*

Темирчи такага жарыбайт,
Бөзчү белбоого жарыбайт.
*Темирчи тақага ёлчимас,*
*Бўзчи – белбоққа.*

Бирөө кечээрге кечүү таппай жүрсө,
Бирөө ичээрге суу таппай жүрөт.
*Биров сув тополмайди ичгани.*
*Биров кечув тополмайди кечгани.*

Бирөө өлүп жатса,
Бирөө күлүп жатат.
*Биров ўламан деса,*
*Биров куламан дейди.*

Бөрү карыса, итке күлкү болот.
*Бўри қариса, итга кулги бўлар.*

Балыктын күнү көл менен,
Жигиттин күнү эл менен.
*Балиқнинг куни кўл билан,*
*Ботирнинг куни эл билан.*

Балыктын жаны суу менен,
Эрдин жаны эл менен.
*Балиқ сув билан тирик,*
*Одам – эл билан.*

Досуң миң болсо да – аз,
Душманың бирөө болсо да – көп.
*Дўст мингта бўлса ҳам – оз,*
*Душман битта бўлса ҳам – кўп.*

Душман не дебейт,
Түшкө не кирбейт.
*Душман нималар демас,*
*Тушга нималар кирмас.*

Душманга өлүм тилегенче,
Өзүңө өмүр тиле.
*Душманингга ўлим тилагунча,*
*Ўзингга умр тила.*

Дос күйдүрүп айтат,
Душман күлдүрүп айтат.
*Дўст ачитиб гапирар,*
*Душман – кулдириб.*

Достук бардык байлыктан абзел.
*Дўстлик – барча бойликдан афзал.*

Дос – сенин күзгүң.
*Дўст – сенинг кўзгунг.*

Дос күйгүзүп айтат,
Душман сүйгүзүп айтат.
*Дўст куйдириб айтар,*
*Душман суйдириб.*

Дыйканга жер – казына,
Эмгеги – ачкыч.
*Ер – хазина,*
*Калити – меҳнат.*

Жалгыз дарак токой болбойт.
*Ёлғиз дарахт тўқай бўлмас.*

Жалгыз эрдин аты чыкпайт,
Аты чыкса заты чыкпайт.
*Ёлгиз отнинг чанги чиқмас,*
*Чанги чиқса ҳам донги чиқмас.*

Жаман дос башка тиер казык.
*Ёмон дўст – бошга қозиқ.*

Жамгыр менен жер гүлдөйт,
Эмгек менен эл гүлдөйт.
*Ёмгир билан ер кўкарар,*
*Меҳнат билан – эл.*

Жакшы сөздү айбан да түшүнөт.
*Яхши сўзни хайвон ҳам тушунади.*

Жакшы сөз – жанга жөлөк.
*Яхши сўз – жон роҳати.*

Жакшы сөз жанды эритет,
Жаман сөз жанды кейитет.
*Яхши сўз ийдиради,*
*Ёмон сўз бездиради.*

Жаман өзүн билбейт,
Жакшыны көзгө илбейт.
*Ёмон ўзини билмас,*
*Ўзгани кўзга илмас.*

Жаманга башчы болгончо,
Жакшыга кошчу бол.
*Ёмонга бошчи бўлгунча,*
*Яхшига қўшчи бўл.*

Жаман менен жолдош болбо,
Наадан менен сырдаш болбо.
*Ёмон билан йўлдош бўлма,*
*Нодон билан – сирдош.*

Жаман менен жолдош болсоң, каларсың уятка,
Жакшы менен жолдош болсоң, жетерсиң муратка.
*Ёмон билан юрсанг, қоларсан уятга,*
*Яхши билан юрсанг, етарсан муродга.*

Жамандан кач, жакшыга жанаш.
*Ёмондан қоч, яхшига ёндош.*

**Жамандын берген ашынан жакшынын айткан сөзү артык.**

*Ёмоннинг ошидан яхшининг сўзи яхши.*

**Жаманга жакындашсаң жалаасы жугат,**
**Казанга жакындашсаң карасы жугат.**

*Ёмонга яқинлашсанг, балоси юқар,*
*Қозонга яқинлашсанг, қораси.*

**Жамандын жакшысы болгончо,**
**Жакшынын жаманы бол.**

*Ёмоннинг яхшиси бўлгунча,*
*Яхшининг ёмони бўл.*

**Жылandын уусу – тишинде,**
**Жамандын уусу – ичинде.**

*Илон заҳри – тишида,*
*Ёмоннинг заҳри – ичида.*

**Жакшы катын – үйдүн көркү,**
**Жакшы чапан – тойдун көркү.**

*Яхши хотин – уй зийнати,*
*Яхши тўн – тўй савлати.*

Жакшы катын – жарым ырыс.
*Яхши хотин – ярим ризқ.*

Жакшыга – жанаш,
Жамандан адаш.
*Яхшига ёндош,*
*Ёмондан адаш.*

Жакшыны көрүп пикир кыл,
Жаманды көрүп шүгүр кыл.
*Яхшини кўриб фикр қил,*
*Ёмонни кўриб шукур қил.*

Жакшы көргөн коңшуңа уяттуу сөз айтпа.
*Яхши кўрган қўшнингга уятли сўз айтма.*

Жорго минген жолдошунан айрылат,
Көп жашаган курдашынан айрылат.
*Йўрга минган йўлдошидан айрилар,*
*Кўп яшаган қурдошидан айрилар.*

Жигитке кырк өнөр аздык кылат.
*Бир йигитга қирқ ҳунар оз.*

Илим алуу ийне менен кудук казгандай.

*Илм олиш – игна билан қудуқ қазиш.*

Ичпей, жебей, бакыл бол,
Бай болбосоң мага кел.
*Ема, ичма, бўл бахил,*
*Бой бўлмасанг, мен кафил.*

Ийне өткөн жерден шоона да өтөт.

*Игна ўтган жойдан ип ҳам ўтади.*

Ийри отурсаң да түз сүйлө.

*Эгри ўтирсанг ҳам, тўғри гапир.*

Күч – бирдикте.

*Куч – бирликда.*

Кемеге түшкөндүн жаны бир.

*Кемага тушганнинг жони бир.*

Көптөн көп акыл чыгат.

*Кўпдан кўп ақл чиқар.*

Куш канатсыз жашай албайт,
Адам эмгексиз жашай албайт.
*Қуш қаноти билан тирик,*
*Одам – меҳнати билан.*

Көп сөз–эшекке жүк.
*Кўп гап – эшакка юк.*

Көп билген аз сүйлөйт,
Аз билген көп сүйлөйт.
*Кўп билган оз сўйлар,*
*Оз бўлса ҳам соз сўйлар.*

Киши болор кишинин
Киши менен иши бар.
Киши болбос кишинин,
Киши менен неси бар?
*Одам бўлар кишининг*
*Одам билан иши бор,*
*Одам бўлмас кишининг*
*Одам билан не иши бор?*

Кылыч көтөргөндүн ажалы кылычтан.
*Қилич тутган қиличдан ўлар.*

Кишиге ор казсаң, өзүң түшөрсүң.
*Бировга чоҳ қазисанг ўзинг тушасан.*

Качып кетсең – чачып кет.
*Қочиб кетгунча, сочиб кет.*

Көптөн үмүт эткен аздан куру калат.
*Кўпга югурган оздан қолар.*

Конок бар жерде береке бар.
*Меҳмонли уй – баракали уй.*

Келмек – көңүл,
Кетмек – уруксат
*Келмоқ ихтиёр билан,*
*Кетмоқ ижозат билан.*

Конуш алгыча, коңшу ал.
*Ҳовли олма, қўшни ол.*

Мээнет – ыракаттын пайдубалы.
*Меҳнат – роҳатнинг пойдеври.*

Макал атасы – сөз,
Мата атасы – бөз.
*Мақол – сўзнинг отаси,*
*Мато – бўзнинг отаси.*

Сүйгүзгөн да – тил,
Күйгүзгөн да – тил.
*Суйдирган ҳам – тил,*
*Куйдирган ҳам – тил.*

Сөз найзадан өткүр.
*Сўз найзадан ўткир.*

Сөз сөөктөн өтөт,
Таяк эттен өтөт,
*Сўз суякдан ўтар,*
*Таёқ – этдан.*

Сөздүн сөздөн баркы бар,
Отуз эки наркы бар.
*Сўздан сўзнинг фарқи бор,*
*Ўттиз икки нархи бор.*

Сөз – тапка кирбес боосуз куш
Ооздон чыкса карматпайт.
*Сўз чумчуқ эмас,*
*Оғиздан чиқса, тутиб бўлмас.*

Суу атасы – булак,
Сөз атасы – кулак.
*Сувнинг отаси – булоқ.*
*Сўзнинг отаси – қулоқ,*

Сайды сел бузат,
Адамзатты кеп бузат.
*Сел ариқни бузар,*
*Одамзотни гап бузар.*

Сүт менен бүткөн мүнөз сөөк менен кошо кетет.
*Сут билан кирган жон билан чиқар.*

Сулуулугунан жылуулугу артык.
*Ҳуснидан одоби яхши.*
Сулуу сулуу эмес, сүйгөн сулуу.
*Сулув сулув эмас, суйган сулув.*

Сырты жылтырак, ичи калтырак.
*Сирти ялтироқ – ичи қалтироқ.*

Саяк жүрсөң, таяк жейсиң.

*Саёқ юрган таёқ ер.*

Сөздүн башы катуу болсо,
Аягы таттуу болот.

*Сўзнинг боши қаттиқ бўлса,*
*Охири тотли бўлар.*

Сууну чым токтотот,
Сөздү чын токтотот.

*Сувни чим тўхтатар,*
*Ёлгонни – чин.*

Сөздүн кыскасы жакшы,
Аркандын узуну жакшы.

*Гапнинг қисқаси,*
*Арқоннинг узуни яхши.*

Соода – сакал сыйпаганча.

*Савдо – соқол сийпагунча.*

Өлүм кабак-каштын ортосунда.

*Ўлим қош билан қовоқнинг орасида.*

Өлүм бардын малын чачат,
Жоктун абийирин ачат.
*Ўлим борнинг молини сочар,*
*Йўқнинг сирини очар.*

Өткүр бычак кынга жоо,
Өтүрүк сөз жанга жоо.
*Ёлгон гап – жонга қасд,*
*Ўткир пичоқ – қинга.*

Отту үйлөсө – өчөт,
Коңшуну көөлөсө – көчөт.
*Оловга тегсанг – ўчар,*
*Қўшинингга тегсанг – кўчар.*

Тил – акылдын жарчысы.
*Тил – ақл жарчиси.*

Тил – акыл таразасы.
*Тил – ақл тарозуси.*

Тил – жүрөктүн ачкычы.
*Тил – қалб калити.*

**Тил кылычтан өткүр.**
*Тил тиги қилич тигидан ўткир.*

**Таш менен урганды аш менен ур.**
*Тош билан урганни ош билан ур.*

**Тиши чыккан балага чайнап берген аш болбойт.**
*Тиши чиққан болага чайнаб берма.*

**Тама-тама көл болот.**
*Тома-тома кўл бўлур.*

**Туура сөз тууганга жакпайт.**
*Тўгри гап туққанингга ёқмас.*

**Туура сөз – кылычтан өткүр.**
*Тўгри сўз – қиличдан ўткир.*

**Тириликтин күчү бирдикте.**
*Тирикликнинг кучи – бирликда.*

**Төөгө жантак керек болсо, мойнун созот.**
*Туяга янтоқ керак бўлса, бўйинини чўзар.*

Төө сойгон эчки сойгондон эт сураптыр.

*Туя сўйган эчки сўйгандан эт сўрабди.*

Тон кийбеген тон кийсе,
Кага-кага тоздурат.
*Тўн киймаган тўн кийса,*
*Қоқа-қоқа тўздирар.*

Тойго барсаң мурун бар,
Мурун барсаң орун бар.
*Тўйга борсанг, эрта бор,*
*Эрта борсанг ўрин бор.*

Шектенүү достукту бузат.

*Гумон дўстдан ажратар.*

Чыныгы дос уялаштан артык.

*Чин дўст – туғишганингдан афзал.*

Калпычынын чын сөзү да калпка чыгат.

*Ёлғончининг рост сўзи ҳам ёлғон.*

Чырактын жарыгы түбүнө түшпөйт.

*Шам ёруғи тубига тушмас.*

Эки катын аламын деп,
Не балаага калыпмын.
*Икки хотин олибман,*
*Не балога қолибман.*

Эки кочкордун башы бир казанда кайнабайт.
*Икки қўчқорнинг калласи бир қозонда қайнамас.*

Эр бар жерде эл кор болбос,
Эл бар жерде эр кор болбос.
*Эл бор жойда эр хор бўлмас,*
*Эр бор жойда эл хор бўлмас.*

Эл башына түшкөн түн,
Эр башына түшкөн түн.
*Эл бошига тушгани –*
*Эр бошига тушгани.*

Эл ичи – алтын бешик.
*Элнинг ичи – олтин бешик.*

Эл үмүтүн эр актаар,
Эр атагын эл сактаар.
*Эл умидин эр оқлар,*
*Эр қадрини эл сақлар.*

Элдин иши эрдин мойнунда,
Эрдин иши элдин мойнунда.
*Эрнинг иши – элнинг бўйнида,*
*Элнинг иши – эрнинг бўйнида.*

Эл болбосо эр болбойт.
*Эл бўлмаса эр бўлмас.*

Эл макулга сен да макул.
*Элга маъқул – сенга маъқул.*

Эрдин даңкын эл чыгарат.
*Эрнинг номини эл чиқарар.*

Элге эл кошулган – дөөлөт,
*Элга эл қўшилса – давлат.*

Эрдин күчүн эл сынайт.
*Эрнинг кучини эл синар.*

Эмгектин түбү ыракат.
*Меҳнатнинг таги – роҳат.*

Эмгектин наны таттуу,
Жалкоонун жаны таттуу.
*Меҳнатнинг нони ширин,*
*Ялқовнинг жони ширин.*

Эмгексиз иш бүтпөйт,
Эринчээктин колу тийбейт.
*Меҳнатсиз иш битмас,*
*Эринчоқнинг қўли тегмас.*

Эмгексиз тапкан мал эсепсиз кетет.
*Меҳнатсиз топилган мол ҳисобсиз кетар.*

Эмгексиз бакыт – тузу жок тамактай.
*Меҳнатсиз турмуш – тузсиз таом.*

Эки жакшы кас болбойт,
Эки жаман дос болбойт.
*Икки яхши қасд бўлмас,*
*Икки ёмон – дўст.*

Эки жакшы кошулса, бирин-бири кыйышпайт.
Эки жаман кошулса, кең дүйнөгө сыйышпайт.
*Икки яхши қўшилса, бир-бирини қийишмас.*
*Икки ёмон қўшилса, кенг дунёга сиғишмас.*

Эки жакшы тоого чыкса,
Кудалашып түшүшөт.
Эки жаман тоого чыкса,
Кубалашып түшүшөт.
*Икки яхши тоққа чиқса,*
*Қудалашиб тушишар.*
*Икки ёмон тоққа чиқса,*
*Қувалашиб тушишар.*

Эшек кашыганды,
Жаман сыйлаганды билбейт.
*Эшак сийпаганни билмас,*
*Ёмон – сийлаганни.*

Эрге берсең ашыңды,
Эрлер сылар башыңды.
Итке берсең ашыңды,
Иттер кажыйт башыңды.
*Эрга берсанг ошингни,*
*Эрлар силар бошингни*
*Итга берсанг ошингни,*
*Итлар гажир бошингни.*

Эңкейгенге эңкейгин,
Башың жерге тийгенче.
Чалкайганга чалкайгын,
Төбөң көккө тийгенче.
*Керкайганга керкайгин,*
*Бошинг кўкка етгунча.*
*Эгилганга эгилгин,*
*Бошинг ерга теккунча.*

Эмнени эксең, ошону оросуң.
*Нима эксанг, шуни ўрасан.*

Эки коёнду кууган бирин да кармай албайт.
*Икки қуённи қувлаган бирини ҳам тутолмас.*

Эки кеменин башын кармаган сууга кетет.
*Икки кеманинг бошини тутган ғарқ бўлар.*

Эр намысы – эл намысы.
*Эр номуси – эл номуси.*

Эрди-катын урушат,
Эси кеткен болушат.
*Эру хотин уришар,*
*Эси кетган ўртага тушар.*




Тожик халқ
ДОНИШМАНДЛИГИ

# АБДУРАҲМОНИ ҶОМӢ

(1414-1492)

Мавлоно Нуриддин Абдураҳмони Ҷомӣ 7 ноябри соли 1414 дар мавзеи Харҷурди вилояти Ҷоми Хуросон ба дунё омадааст. Аҷдоди ӯ аз қабилаи Банӣ Шайбон, ки шайхи машҳури тасаввуф Зиндапил Аҳмади Ҷомӣ ва муҳаддиси машҳур Муҳаммад Шайбон аз он ба камол расидаанд, мебошад.

Азбаски падари Ҷомӣ шайхулисломи вилояти Ҷом ва олими пешқадами замони худ буд, хонаи ӯ ҷойи дӯстдоштаи аҳли илму адаб ба ҳисоб мерафт. Абдураҳмони ҷавон маълумоти ибтидоиро аз падараш ва донишмандони Ҷом фаро гирифта, сипас таҳсилро дар мадрасаи "Низомия"-и шаҳри Ҳирот идома медиҳад. Дар муддати кӯтоҳ зеҳну заковати ӯ байни халқ овоза мешавад.

Шаҳри Самарқанд дар замони Мирзо Улуғбек дар олами ислом ба пойтахти илму фан, маданият ва санъат табдил ёфт. Ҷомӣ низ соли 1437 дар синни 23 бо нияти касби камол ба ин шаҳри ҷаннатмонанд омада, дар давоми шаш сол дар ҳузури олимону фозилоне мисли Қозизода Румӣ, Ғиёсиддин Кошӣ, Абӯлайси Самарқандӣ донишҳои диниву дунявиро мукаммал аз худ мекунад. Ӯ дар ин давр бо бузургтарин намояндаи тариқати нақшбандия Хоҷа Аҳрори Валӣ низ муносибати наздик пайдо мекунад. Баъдтар Ҷомӣ бо мақсади мулоқот

бо Хоҷа Аҳрори Валӣ ду маротиба ба Самарқанд, як дафъа ба Андиҷон ва Тошканд омада, қадамҷойҳои табарруки ин сарзаминро ҳам зиёрат мекунад, ки дар ин бобат дар манбаъҳо ишора шудааст.

Ҷомӣ, ки ба сифати олими бузург машҳур шуда буд, баъди ба Ҳирот баргаштан умри худро ба таълиму эҷод мебахшад. Хонақоҳи пир ва падарарӯсаш – Мавлоно Саъдуддини Қошғарӣ ба шарофати Ҷомӣ ба макони донишҷӯёни закӣ табдил меёбад. Айнан дар ҳамин ҷо ба Навоӣ муяссар мешавад, ки аз дарсҳои ин мутафаккири соҳибном баҳраманд шавад. Ин шиносоӣ баъдтар асоси қаробати рӯҳӣ ва ҳаммаслакӣ мегардад, ки аз дӯстӣ, устодиву шогирдӣ, пириву муридӣ низ баланд буда, ба тимсоли дӯстии ду халқи куҳантаърих тадбил меёбад.

Абдураҳмони Ҷомӣ ба ҳайси олими ҳамадон ва эҷодкори соҳибистеъдод дар соҳаҳои гуногун беш аз 40 асар навиштааст. Асарҳои навиштаи ӯ оид ба фанҳои фалсафа, ирфон, мусиқӣ, арӯз, қофия, ҳадис, тафсир, мантиқ, тасаввуф, таърих имрӯз ҳам аз манбаъҳои муътабар ба шумор меравандю Дар баробари ин, ба сабаби он ки мероси адабии Ҷомӣ давраи мумтози адабиёти форс-тоҷикро, ки беш аз панҷ аср давом кардааст, умумӣ кунонда, дорои хусусияти ҷамъбастӣ мебошад, ӯро “хотимат-уш-шуаро” меноманд. Чунонки мутафаккири олмонӣ Иоганн Волфганг Гёте дар асари машҳураш “Девони ғарбиву шарқӣ” менависад: “Ҷомӣ маҳсули асрҳоро ҷамъоварӣ карда, хулосаҳои маданияти динӣ, фалсафӣ, илмӣ, насрӣ, назмиро ҷамъбаст намуда буд. Ӯ ситораи дурахшони шеъри мумтоз буд”.

Дар таърихи хамсанависӣ панҷгонаи Ҷомӣ нақши алоҳида дорад. Ҷомӣ дар баробари эҷодкорӣ намояндаи тариқати нақшбандия низ буд. Ин ҳолат дар асарҳои ӯ низ намоён мегардад. Ба таъбири олими ховаршинос Н. Конрад: "ӯ шоир, файласуф, адиб, мусиқишинос буд. Аммо дар баробари ин, ӯ бештар сӯфӣ аст. Барои ӯ ду намуди дарки ҳастӣ мавҷуд аст – асрори ҳастӣ ва асрори эҷод". Ба ин хотир, дар ҳар як достони ӯ бо маҳорати баланд ифода гардидани ғояҳои таълимоти нақшбандия, ки ба некӣ ҳидоят мекунанд, аз ҷониби бисёр пажӯҳишгарон эътироф шудааст. Ҷомӣ, ки ҷавобан ба хамсаҳои Низомии Ганҷавӣ ва Амир Хусрави Деҳлавӣ достонҳои "Туҳфат-ул-аҳрор", "Субҳат-ул-аброр", "Юсуф ва Зулайхо", "Лайлӣ ва Маҷнун", "Хираднномаи Искандарӣ" навишта буд, достонҳои "Силсилат-уз-заҳаб" ва "Саломон ва Абсол"-ро илова карда, маҷмӯаи нави гурӯҳи достонҳоро бо номи "Ҳафт авранг" ба вуҷуд овард. Достонҳои мазкур, бидуни шубҳа, гултоҷи эҷодиёти Ҷомӣ ба ҳисоб мераванд.

Яке аз асарҳои дигаре, ки ба Ҷомӣ шуҳрати ҷаҳонӣ овардааст, "Баҳористон" мебошад. Ин асари ахлоқиву дидактикӣ соли 1487 дар пайравии "Гулистон" -и Саъдии Шерозӣ ба насри мусаҷҷаъ навишта шуда, аз 8 равза иборат аст: 1) ибрати орифон; 2) ҳикмати бузургон; 3) адолати подшоҳон; 4) қаноат ва саховат; 5) ишқ ва муҳаббат; 6) латифа ва мутоибаҳо; 7) шеър ва шоирон; 8) ҳикоятҳои тамсилӣ. Ба сабаби он ки Ҷомӣ "Баҳористон"-ро овони куҳансолӣ барои писараш Зиёуддин Юсуф (он вақт 10-сола будааст) ба сифати китоби дарсӣ навиштааст, ин китоб ба ҳайси таҷриба ва хулосаҳои дар давоми зиндагӣ

ҳосилкардаи шоири мутафаккир, ҳамчун маҳсули муносибатҳои ӯ нисбати одам ва олам таълиф шудааст. Дар китоб дар асоси намунаҳои ахлоқӣ, пандҳое, ки ба инсон мақомҳои олии инсониро ёдовар мешаванд – ҳикоятҳои ибратнок аз ҳаёти сӯфиён ва орифон, ҳикматҳои ҳакимон ва донишмандон, қиссаву ривоятҳо бо иштироки шахсони афсонавӣ, ҳиммат ва адолати ба ҳукмдорони машҳур мансуб, фирқаҳо дар бобати шоирон ва шеър, латифаҳо ва ҳикоятҳои тамсилӣ хулосаҳо бароварда мешавад. Танҳо ду боби "Баҳористон" (бобҳои 3 ва 5) аз ҷиҳати мавзӯъ такрори "Гулистон" буда, 6 боби дигар аз нуқтаи назари мавзӯъ ва мундариҷа нав мебошанд. Асари мазкур доир ба таърихи шеър манбаи адабии муҳим низ ба ҳисоб меравад. Дар равзаи 7-уми асар Ҷомӣ дар бораи 39 шоири ба забони форсӣ-тоҷикӣ эҷодкарда маълумот дода, аз эҷодкорони ҳамзамонаш фақат барои Навоӣ фасли алоҳида ҷудо мекунад, эҷодиёти ӯро эътироф мекунад ва ба он муносибат баён месозад.

Умуман гирем, Ҷомӣ қариб дар ҳамаи асарҳояш дар бобати Алишери Навоӣ алоҳида мулоҳиза ронда, ба шахсият ва олами эҷодии ӯ баҳои ҳаққонӣ додааст. Дар навбати худ, Навоӣ низ дар як қатор асарҳояш нисбат ба "муршиду устоду пир"и худ – Мавлоно Ҷомӣ эҳтиром ва иродати худро изҳор мекунад. Ба ин маъно дар таърихи адабиёт нахустин навоишинос Абдураҳмони Ҷомӣ бошад, нахустин ҷомишинос Алишери Навоӣ ба шумор меояд.

Ба туфайли ғамхорӣ ва эътибори бевоситаи султон Ҳусайн Бойқаро Абдураҳмони Ҷомӣ ва Алишери Навоӣ барои ба шаҳри одамони фозил табдил додани

Ҳирот муваффақ шуданд.Ба туфайли иштироки фаъоли Бойқаро ба ҳаёти адабӣ, муносибати самимии ӯ ба Абдураҳмони Ҷомӣ ва Алишери Навоӣ дар он давр ҷамъияти бомаърифат ташаккул ёфта, ислоҳоти маънавие, ки Амир Темур оғоз намуда буд, самар медод. Айнан бо саъю ҳаракати Ҷомиву Навоӣ адабиётҳои туркиву форсӣ-тоҷикӣ дар ҳамбастагӣ ривоҷ ёфта, барои офаридани шоҳкорҳои зебои маънавӣ асоси муҳим ба вуҷуд омад. Асарҳое, ки ба туфайли ҳамдигарро илҳом бахшида, дастгирӣ кардани Ҷомӣ ва Навоӣ офарида шудаанд, то имрӯз ба сифати мероси муштараки ду халқ эъзоз мeёбанд. Дар фонди дастнависҳои Пажӯҳишгоҳи шарқшиносии ба номи Абӯрайҳони Берунӣ нигоҳ дошта шудани дастнависи беш аз 550 асари Ҷомӣ, ҳамроҳ бо асарҳои Алишери Навоӣ рӯбардор шудани қисми зиёди ин асарҳо низ аз он далолат медиҳад, ки эҷоди ин ду мутафаккир барои халқамон як хел муътабар ва азиз мебошанд. Чунонки ӯзбекро бидуни тоҷик тасаввур карда намешавад, Навоиро бе Ҷомӣ тасаввур кардан душвор аст. Ба ин сабаб ба сифати тимсоли дӯстии ду халқ дар шаҳрҳои Самарқанд ва Душанбе насб гардидани пайкараҳои Ҷомӣ ва Навоӣ низ маънои калони рамзӣ дорад.

Эҷодиёти Абдураҳмони Ҷомӣ барои даҳҳо шоирони мумтози ӯзбек мисли Алишери Навоӣ ва Мирзо Бобур, Убайдӣ ва Амирӣ, Нодира ва Увайсӣ, Мӯнис ва Огаҳӣ, Муқимӣ ва Завқӣ манбаи илҳом ва мактаби маҳорат будааст. Намунаҳои ин мероси бебаҳо бо оғоз аз Алишери Навоӣ то имрӯз аз ҷониби бисёр шоирону тарҷумонҳои машҳури мо бо маҳорати баланд ба забони ӯзбекӣ тарҷума гардида, такрор ба такрор нашр мешавад.

# АБДУРАҲМОН ЖОМИЙ
(1414-1492)

*Ул сафо аҳли, пок фаржоми,*
*Покфаржоми покфар Жомий.*
*Улки Ҳақ сори дастгир менга,*
*Муршиду устоду пир менга.*
Алишер Навоий

Мавлоно Нуриддин Абдураҳмон Жомий 1414 йил 7 ноябрь куни Хуросондаги Харжурд вилояти Жом мавзесида туғилган. Унинг аждодлари тасаввуф шайхи Зиндапил Аҳмад Жомий ҳамда машҳур муҳаддис Муҳаммад Шайбонлар етишиб чиққан Бани Шайбон қабиласидан бўлган. Жомийнинг отаси ҳам Жом вилоятининг шайхулисломи ва замонасининг етук уламоси бўлгани учун унинг уйи илм ва адаб аҳлининг севимли маконларидан ҳисобланган. Ёш Абдураҳмон дастлабки маълумотни ўз отаси ва Жомдаги олиму уламолардан олиб, сўнг таҳсилни Ҳирот шаҳридаги "Низомия" мадрасасида давом эттиради. Қисқа муддатда унинг зеҳну заковати тилларда достон бўлади.

Мирзо Улуғбек замонида Самарқанд шаҳри мусулмон оламида илм-фан, маданият ва санъатнинг пойтахти сифатида танилган эди. Жомий ҳам 1437 йилда – йигирма уч ёшида камол касб этиш ниятида ушбу фирдавсмонанд шаҳарга келиб, олти йил мобайнида Қозизода Румий, Ғиёсидин Коший, Абуллайс Самарқандий

каби олиму фозиллар ҳузурида ҳам диний ва ҳам дунёвий билимларни пухта ўрганади. Бу даврда у нақшбандия тариқатининг йирик намояндаси Хожа Аҳрор Валий билан ҳам яқин муносабат ўрнатади. Кейинчалик Жомий Хожа Аҳрор Валий билан мулоқот қилиш мақсадида икки марта Самарқанд, бир мартадан Андижон ва Тошкент шаҳарларига келиб, бу ердаги табаррук қадамжоларни ҳам зиёрат қилгани манбаларда қайд этилган.

Катта олим сифатида шуҳрат қозонган Жомий Ҳиротга қайтгач, ўз умрини таълим ва ижодга бағишлайди. Пири ва қайнотаси – Мавлоно Саъдиддин Кошғарийнинг хонақоҳи Жомийнинг шарофати билан энг зукко талабаларнинг маконига айланади. Айнан шу ерда Алишер Навоий бу мутафаккир сабоқларидан илк маротаба баҳраманд бўлади. Бу танишув кейинчалик дўстлик, устоз-шогирдлик ҳамда пир-муридликдан ҳам устун бўлган руҳий яқинлик ва маслакдошликка асос солиб, икки қадимий халқнинг дўстлиги тимсолига айланди.

Абдураҳмон Жомий қомусий аллома ва истеъдодли ижодкор сифатида турли соҳаларда қирқдан зиёд асар ёзди. Унинг қаламига мансуб бўлган китоб ва рисолалар фалсафа, мантиқ, тасаввуф, ирфон, мусиқа, аруз, қофия, ҳадис, тафсир, тарих фанларида бугунги кунда ҳам энг мўътабар манбалардан ҳисобланади. Жомийнинг адабий мероси форс-тожик адабиётининг беш асрдан ортиқ давом этган мумтоз даврини умумлаштириб, якунловчи хусусиятга эга бўлгани сабабли, уни “хотимат уш-шуаро” деб шарафлайдилар. Немис мутафаккири Иоганн Вольфганг Гёте ўзининг машҳур “Ғарбу Шарқ девони” асарида ёзганидек, “Жомий

асрлар маҳсулини йиғиб, бутун диний, фалсафий, илмий, насрий, назмий маданият хулосаларини йиғиб берган эди. У мумтоз шеъриятининг порлоқ юлдузи эди".

Хамсачилик тарихида Жомийнинг бешлиги алоҳида ўрин тутади. Жомий ижодкор бўлиш баробарида нақшбандия сулукининг йирик шайхи ҳам эди, бу ҳолат у яратган асарларда ҳам намоён бўлади. Шарқшунос олим Н. Конраднинг таъбири билан айтганда, "у – шоир, у – файласуф, у – адиб, у – мусиқашунос. Лекин шу билан бир қаторда, у кўпроқ сўфий. Унинг учун борлиқни англашнинг икки кўриниши мавжуд – борлиқ сирлари ва ижод сирлари". Шу сабабли, унинг ҳар бир достонида нақшбандийлик таълимотининг эзгуликка ҳидоят қилувчи ғоялари катта маҳорат билан сингдирилгани кўпчилик тадқиқотчилар томонидан эътироф этилган. Низомий Ганжавий ва Амир Хусрав Деҳлавийларнинг "Хамса"ларига жавобан "Туҳфат ул-аҳрор", "Субҳат ул-аброр", "Юсуф ва Зулайҳо", "Лайли ва Мажнун", "Хирадномайи Искандарий" номли достонлар ёзган Жомий "Силсилат уз-заҳаб" ҳамда "Саломон ва Абсол" достонларини қўшиб, "Ҳафт авранг" ("Етти тахт") номли янги туркум достонлар мажмуасини яратади. Бу достонлар, шубҳасиз, Жомий ижодининг гултожи ҳисобланади.

Жомийга жаҳоний шуҳрат келтирган асарларидан яна бири – бу, Саъдий Шерозийнинг "Гулистон" асари йўсинида 1487 йили сажъли насрда ёзилган "Баҳористон" асаридир. Жомий "Баҳористон"ни кексалик даврида 10 ёшли фарзанди Зиёуддин Юсуфга дарслик сифатида ёзгани сабабли, бу китоб мутафаккир шоирнинг умри давомида ҳосил қилган тажриба ва хулосалари,

олам ва одамга бўлган муносабатининг ҳосиласи сифатида яратилган. Китобда сўфий ва орифлар ҳаётидан келтирилган ибратли ҳикоятлар, ҳаким ва донишмандлар тилидан айтилган ҳикматлар, афсонавий шахслар иштирокидаги қисса ва ривоятлар, машҳур ҳукмдорларга нисбат бериладиган ҳиммат ва адолатни тараннум этувчи воқеалар, шоирлар ва шеърият бобидаги ёмби фикрлар, латифалар ва тамсилий ҳикоялар – барча-барчасидан ахлоқий намуналар, инсонга инсонийликнинг олий мақомларини эслатувчи ўгитлар асосида хулосалар олинади. Мазкур асар шеърият тарихига оид муҳим адабий манба ҳам ҳисобланади. Асарнинг 7-равзасида Жомий форс-тожик тилида ижод қилган 39 шоир ҳақида маълумот бериб, замондош ижодкорлардан фақат Алишер Навоийга алоҳида фасл ажратади, унинг ижодига эътироф ва муносабатини билдиради.

Умуман олганда, Жомий деярли барча асарларида Алишер Навоий ҳақида алоҳида тўхталиб, унинг шахсияти ва ижодий оламига ҳаққоний баҳо бериб ўтган. Ўз навбатида, Навоий ҳам қатор асарларида "муршиду устоду пир"и – Мавлоно Жомийга нисбатан ўз эҳтироми ва иродатини изҳор этади. Шу маънода, адабиёт тарихида биринчи навоийшунос – Абдураҳмон Жомий бўлса, биринчи жомийшунос Алишер Навоий ҳисобланади.

Султон Ҳусайн Бойқаронинг бевосита ғамхўрлиги ва эътибори туфайли Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий Ҳиротни фозил одамлар шаҳрига айлантиришга эришдилар. Бойқаронинг адабий ҳаётда фаол иштироки, Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоийга бўлган самимий муносабати туфайли ўша даврда

маърифатли жамият шаклланиб, Соҳибқирон Амир Темур давридан бошланган маънавий ислоҳотлар ўзининг самарасини бера бошлади. Айнан Жомий ва Навоий саъй-ҳаракати билан туркий ва форсий адабиётлар бақамти ривожланиб, бу тилларда бетакрор маънавий обидалар пайдо бўлишига мустаҳкам замин яратилди. Жомий ва Навоийнинг бир-бирининг илҳомлантириб, қўллаб-қувватлашлари туфайли яратилган бундай асарлар бугунги кунгача икки халқнинг муштарак мероси сифатида эъзозланиб келмоқда. Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида Жомий асарларининг 550 дан зиёд қўлёзмалари сақланаётгани, бу асарларнинг каттагина қисми Алишер Навоий асарлари билан бирга кўчирилгани ҳам ушбу икки мутафаккир ижоди халқларимиз учун бирдек мўътабар ва азиз эканлигидан далолат беради. Ўзбекни тожиксиз тасаввур этиб бўлмаганидек, Навоийни  Жомийсиз тасаввур этиш қийин. Шу сабабли, Самарқанд ва Душанбе шаҳарларида икки халқнинг дўстлиги тимсоли сифатида Жомий ва Навоий ҳайкалларининг ўрнатилишида ҳам катта рамзий маъно бор.

Абдураҳмон Жомийнинг ижоди Алишер Навоий ва Мирзо Бобур, Убайдий ва Амирий, Нодира ва Увайсий, Мунис ва Огаҳий, Муқимий ва Завқий каби ўнлаб мумтоз ўзбек шоирлари учун илҳом манбаи, маҳорат мактаби бўлган. Бу бебаҳо маънавий мерос намуналари Алишер Навоийдан бошлаб бугунги кунгача кўплаб таниқли шоир ва таржимонларимиз томонидан юксак маҳорат билан ўзбек тилига ўгирилиб,  қайта-қайта нашр этилмоқда.

# ЗАРБУЛМАСАЛҲОИ ХАЛҚИ ТОҶИК
# ТОЖИК ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИ

**Агар сухан зар аст, сукут гавҳар.**
*Сўз зар бўлса, сукут гавҳардир.*

**Аввал андеша, баъд гуфтор.**
*Аввал ўйла, кейин сўйла.*

**Аввал бубин ҷои худ,**
**Баъд бимон пои худ.**
*Аввал кўриб жойингни,*
*Сўнг ташла оёғингни.*

**Агар асли пас пеш меомад,**
**Дар дунё ҳеҷ кас хор намешуд.**
*Агар кейинги асли аввал келганда эди,*
*Дунёда ҳеч ким хор бўлмасди.*

Агар хомӯш бошам, гӯянд девона аст,
В-агар сухан гӯям, гӯянд зи асл бегона аст.
*Агар жим ўтирсам, дерлар бу девона,*
*Агар оғиз очсам, айтурлар аслдин бегона.*

Агар хоҳӣ, ки рози туро кас надонад,
Ба дӯстат магӯ, ки ӯ ҳам дӯсте дорад.
*Агар сирингни ўзга билмасин десанг,*
*Дўстингга айтма, унинг ҳам дўсти бор.*

Аз абри сиёҳу одами лаҷ матарс,
Аз абри сафеду одами хаппак тарс.
*Қора булуту лақма одамдан қўрқма,*
*Оқ булуту индамас одамдан қўрққин.*

Аз анбори холӣ сад ман шолӣ.
*Бўш омбордан ботмон ғалла.*

Аз бод борону аз бозӣ ҷанг.
*Шамолдан ёмғир келтирар,*
*ўйиндан жанжал чиқарар.*

Аз гап гап мерӯяд.
*Гапдан гап чиқади.*

Аз дарахти рост сояи кач намеафтад.
*Тик ёғочдан қийшиқ соя тушмайди.*

Аз дастам корама гир,
Аз даҳонам нонама гир.
*Қўлимдан ишимни ол,*
*Оғзимдан нонимни ол.*

Аз дўсти нодон душмани зирак беҳ.
*Аҳмоқ дўстдан ақлли душман яхши.*

Аз дўст шикоят макун, ки ба меҳри бегона мешитобад.
*Дўстдан шикоят қилмағил, бегонанинг меҳрига қочади.*

Аз захми сухан захми табар беҳ.
*Тил жароҳатидан болта жароҳати яхшироқ.*

Аз каждум каждум мерўяд, аз мор – мор.
*Илондан илон туғилар, чаёндан чаён.*

Аз касофати як шум, сўзад шаҳри Рум.
*Бир шум касофатидан Рум шаҳрига ўт кетар.*

Аз Луқмони ҳаким пурсиданд:
– Кадом оташи фурӯзандае худро месӯзад?
Гуфт: – Ҳасад.
*Луқмон ҳакимдан сўрадилар:*
*– Қайси олов ўзини куйдиради?*
*Айтди: – Ҳасад.*

Аз Луқмони ҳаким пурсиданд:– Кадом талх бошад, ки дар охир ширин гардад?
Гуфт:– Сабр.
*Луқмони ҳакимдан сўрадилар: – Қайси аччиқнинг охири ширин бўлгай?*
*Айтди: – Сабрнинг.*

Аз ҳакиме пурсиданд: – Бародар беҳтар аст ё дӯст?
Гуфт: – Бародар, агар дӯст бошад.
*Бир ҳакимдан сўрабдилар: – Ака-ука яхшими ёки дўст?*
*Айтди: – Ака-ука, агар дўст бўлса.*

Аз мард монад лойу гил,
Аз номард монад дарди дил.
*Эр кишидан уй-жой қолар,*
*Номард кишидан юракда дард.*

**Аз моли хуб – либоси хуб.**
*Яхши матодан – яхши либос.*

**Аз навкиса карз макун,**
**Қарз кунӣ ҳам, харҷ макун.**
*Нокасдан қарз олма,*
*Қарз олсанг ҳам, харж қилма.*

**Аз нек – шарофат, аз бад – касофат.**
*Яхшидан – шарофат, ёмондан – касофат.*

**Аз оғили холӣ гови шохзан беҳ.**
*Бўш оғилдан сузонгич сигир яхши.*

**Аз падари беҳунар чӣ меомўзад писар?**
*Ҳунарсиз отадан ўғил нимани ҳам ўрганарди?*

**Аз пайи ину он шуд,**
**Дасти холӣ равон шуд.**
*У ёқ, бу ёқ югурди,*
*Боридан ҳам айрилди.*

**Аз пайи ҳар шом саҳаре ҳаст.**
*Тун ортидан кун келар.*

Аз пули хасис ситораи осмон наздиктар аст.
*Хасиснинг пулидан осмондаги юлдуз яқин.*

Аз пушти шолӣ курмак об мехӯрад.
*Шолининг орқасидан курмак сув ичади.*

Аз сухани рост касе зиён надид.
*Яхши сўздан ҳеч ким зарар кўрмайди.*

Аз худ баланда бину фикр кун,
Аз худ паста бину шукр кун.
*Ўзингдан юқорини кўриб фикр қил,*
*Ўзингдан пастни кўриб шукр қил.*

Аз як даст садо намебарояд.
*Қарс икки қўлдан чиқади.*

Аз як реша ду тана баромадааст, яктояш ба масчид, дигараш ба оғил сутун шудааст.
*Бир илдиздан икки тана чиқибди, бири масжидга устун бўлибди, иккинчиси огилга.*

Айби худ аблаҳ набинад дар чаҳон,
Бошад андар чустани айби касон.
*Аҳмоқ ҳеч қачон ўз айбини билмайди,*
*Ҳамиша бошқаларнинг айбини излайди.*

Ақлаш, ки кам аст, сараш дар гам аст.
*Ақли камнинг боши гамда.*

Алав афтад дар чангал,
Ҳам хушк сўзад, ҳам тар.
*Тўқайга ўт тушса агар,*
*Ҳўлу қуруқ ёнар баравар.*

Арзон бе иллат нест,
Қимат бе ҳикмат нест.
*Арзон иллатсиз бўлмас,*
*Қиммат ҳикматсиз бўлмас.*

Аҳмақ занашро таъриф мекунад,
доно – писарашро.
*Аҳмоқ хотинини мақтайди,*
*доно ўглини.*

Ба аспи нағз як қамчин,
Ба одами нағз як сухан.
*Яхши отга бир қамчи,*
*Яхши кишига бир сўз.*

Ба ганда накун ханда,
Туро кунад шарманда.
*Ёмон кишига кулма,*
*Сени қилар шарманда.*

Бад нек ҳам дорад.
*Ёмоннинг яхши томони ҳам бор.*

Ба дунё дил мабанд эй марди оқил,
Аввали дунё ширину охираш заҳри қотил.
*Дунёга кўнгил боглама, эй оқил одам,*
*Дунё бошида ширин-у, сўнгида заҳри қотил.*

Ба кўрпаат нигоҳ карда пой дароз кун.
*Кўрпангга қараб оёқ узат.*

Ба кўҳ дард гўю дард шунав.
*Тоққа дард айтиб, дард эшит.*

Ба мурғи кўр ҳама чиз дона менамояд.
*Кўр товуққа ҳар нарса дон кўринар.*

Ба пои асп наъл зананд,
курбокка ҳам пой бардоштааст.
*Отга тақа урганда,*
*қурбақа ҳам оёқ кўтарибди.*

Ба сарат шамшер ояд ҳам, рост гўй.
*Бошингга қилич келса ҳам, рост гапир.*

Ба сафар равӣ, аввал ҳамроҳата дон,
Хона харӣ, аввал ҳамсоята дон.
*Йўлга чиқмоқчи бўлсанг, йўлдошингни бил,*
*Уй олмоқчи бўлсанг, қўшнингни бил.*

Баъд аз он ки булбул парид, хоҳ нола кунад, хоҳ не.
*Булбул учгандан сўнг хоҳ сайрасин, хоҳ сайрамасин.*

Ба хубон наздик шаву аз бадон дур бош.
*Яхшига йўлдош бўлу ёмондан қоч.*

Ба Ҳиндустон равад, хабар меояду ба гўристон равад, не.
*Ҳиндистонга кетса, хабар келади,*
*Қабристонга кетса – келмайди.*

Ба шер панҷа мазан, ба шамшер мушт.
*Арслонга панжа солма, қиличга мушт.*

Ба чоҳ туф макун, шояд аз вай обе нўшӣ.
*Қудуққа тупурма, ундан ўзинг сув ичасан.*

Бе дастро даст надеҳ, калбузро шох.
*Қўлсизга қўл берма, кал эчкига шох.*

Бикўш, имрўз то гандум бипошӣ,
Ки фардо то ба ҷав қодир набошӣ.
*Бугун буғдой экишга урин,*
*Эртага арпа ҳам ўролмайсан.*

Бисёр талаб макун, ки ба камаш зор шавӣ.
*Кўп талаб қилмагил, озига ҳам зор бўласан.*

**Бо чеғ задани хурӯс намешавад рӯз.**

*Хўрознинг қичқириги билан тонг отмайди.*

**Бе пул суханат асар надорад,**
**Ҳоле ки ту дорӣ саг надорад.**

*Пулсиз сўзнинг таъсири йўқ,*
*Сенинг ҳолинг итда ҳам йўқ.*

**Бетамизиҳои одам аз сухан пайдо шавад,**
**Пистаи бемағз гар лаб во кунад, расво шавад.**

*Одамнинг аҳмоқлиги сўзидан билинар,*
*Магизсиз писта очилса, расво бўлар.*

**Бехи давлат – тани сиҳат.**

*Ҳалол бойлик – таннинг сиҳати.*

**Беҳ аз ростӣ дар ҷаҳон коре нест,**
**Ки дар гунбади ростӣ хоре нест.**

*Жаҳонда тўғриликдан яхши иш йўқ,*
*Тўғрилик гумбазида бирон тикон йўқ.*

**Бӯйи мушк пинҳон намешавад.**

*Мушк (атир)нинг ҳидини яшириб бўлмас.*

Бузургӣ ба ақл аст, на ба сол.
*Ақл ёшда эмас, бошда.*

Вазири мард зан аст.
*Эрнинг вазири – хотин.*

Кӯҳҳо аз заминчунбӣ вайрон шаванд, муҳаббат ва дӯстӣ ба туфайли сухан барбод мегарданд.
*Тоғлар зилзиладан емирилса, муҳаббат ва дўстлик сўз туфайли барбод бўлади.*

Гавҳар бе садаф, гул бе хор намешавад.
*Садафсиз дур, тиконсиз гул бўлмас.*

Гардани хамро шамшер намебурад.
*Эгилган бошни қилич кесмайди.*

Гар рост сухан гӯию дар банд бимонӣ,
Беҳ з-он ки дурӯғат диҳад аз банд раҳоӣ.
*Тўғри сўз айтиб, бандга тушганинг,*
*Ёлғон гапириб, озод бўлгандан яхшироқ.*

**Гар шуморӣ дӯст он касро шумор,**
**Ки бувад андар ғаму шодиат ёр.**
*Ўшал кишини бил ҳамиша дўсту ёр –*
*Шодлигинг ва гамингда бўлса мададкор.*

**Гирён-гирён ҷӯй кан,**
**Хандон-хандон об хӯр.**
*Йиглаб-йиглаб ариқ ковла,*
*Қувнаб-кулиб сув ичасан.*

**Гов гирӣ, пистонашро бин,**
**Духтар гирӣ, авлодашро бин.**
*Сигир олсанг, елинини кўр,*
*Қиз олсанг, онасини кўр.*

**Гови бешир овози баланд дорад.**
*Сути йўқ сигирнинг овози баланд.*

**Гови шохзан ситезад,**
**Боақл одам гурезад.**
*Шохдор сигир қутурса,*
*Ақлли одам қочади.*

**Гузаштаро салавот, ояндаро эҳтиёт.**
*Ўтмишга салавот, келажакка эҳтиёт.*

**Гул хор дорад, асал ору.**
*Гулнинг тикани бор, асалнинг ариси.*

**Гул хоҳӣ, аз хор матарс.**
*Гулни истасанг, тикандан қўрқма.*

**Гуфт Афлотуни доно вақти мурдан як сухан:**
**Ҳайфи доно мурдану сад ҳайфи нодон зистан.**
*Афлотун ўлимидан олдин айтди бир сўз:*
*Доно ўлди – бир афсус, аҳмоқ қолди – минг афсус.*

**Гӯр сӯзаду дег ҷӯшад.**
*Гўр куйса ҳам қозон қайнасин.*

**Гӯсола каҳдон холӣ мекунад, бача нондон.**
*Бузоқ сомонхонани бўшатади, бола нонхалтани.*

**Гандум аз гандум бирӯяд, ҷав зи ҷав.**
*Арпа эксанг – арпа, буғдой эксанг – буғдой оласан.*

**Давлат ҳар касро бардошта метавонад, аммо ҳар кас давлатро бардошта наметавонад.**

*Давлат ҳар кимни кўтаради, лекин ҳар ким ҳам давлатни кўтаролмайди.*

**Даратро маҳкам куну ҳамсоятро дузд мадор.**

*Эшигингни маҳкам қил, қўшнингни ўгри тутма.*

